Иқтисодий–ҳуқуқий газета

N 37 (166) • 2008 йил 12 сентябрь

# НОРМА МАСЛАҲАТЧИ

СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ
ҲУҚУҚ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

«СБХ» газетаси билан биргаликда тарқатилади.

Қонун кучга кирди

***Мустақиллик йилларида амалга ошириб келинаётган ижтимоий-иқтисодий сиёсатимизнинг бош мазмун-моҳияти инсон, унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини таъминлашга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир. Бу айниқса инсон ижодий фаолияти натижалари, фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг индивидуаллаштириш воситаларини мол-мулк сифатида тўла эътироф этилишини таъминлашда намоён бўлмоқда.***

## ПАТЕНТ ЭГАЛАРИ МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШДА МУҲИМ ҚАДАМ

Бугунги кунда мамлакатимизда бозор тамойилларига асосланган кўп тармоқли иқтисодиётнинг қарор топиб, илмий-техника бозорининг шаклланаётгани ўз навбатида патент тизимини тартибга солувчи тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни янада такомиллаштиришни тақозо қилмоқда.

Конституциямизнинг 42-моддасида ижоднинг барча турларини ривожлантириш зарурлигини таъминлашга оид меъёр ўз аксини топган бўлиб, жумладан унда «Ҳар кимга илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланади. Давлат жамиятнинг маданий, илмий ва техникавий ривожланишига ғамхўрлик қилади» дейилган. Бу кафолатлар бугунги кунда Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги, «Селекция ютуқлари тўғрисида»ги, 2002 йил 29 августда янги таҳрирда қабул қилинган «Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида»ги каби қонунлар меъёрлари билан изчил амалга ошириб келинмоқда. Бундан ташқари, ушбу қонунларнинг қабул қилинишида муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилган бир қанча халқаро ҳужжатлар (масалан 1883 йилда қабул қилинган Саноат мулкини муҳофаза қилиш бўйича Париж Конвенцияси ва ҳ.к.) ратификация қилинди.

Шубҳа йўқки, мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўтган давр мобайнида ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналарини ҳуқуқий муҳофаза қилиш ҳамда улардан фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишда муҳим ҳуқуқий асос вазифасини ўтади (масалан Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси томонидан «Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида»ги Қонуннинг янги таҳрири қабул қилинган пайтдан бошлаб шу даврга қадар жами **2 714 та** илмий-техник экспертиза ўтказилган, **1 298 та** ихтирога патент берилган). Аммо шу билан бирга, бугунги кунда жадал ривожланиб бораётган бозор муносабатлари шароитида ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналарини, бошқача айтганда, саноат мулки объектларининг фуқаролик муомаласига киритилишини тезлаштириш, келажакда юзага келиши мумкин бўлган янги турдаги объектларга муҳофаза тақдим этиш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш, ихтиро ҳақидаги талабнома тўғрисидаги маълумотларни расмий экспертизадан ўтказиш жараёнини соддалаштириш каби ҳолатларда тадбиркорлик субъектлари манфаатларини етарли даражада ҳимоя қила оладиган самарали назорат механизмларини жорий қилишнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн тўртинчи ялпи мажлисида маъқулланган ҳамда 2008 йил 31 июль куни матбуотда эълон қилиниб, расмий кучга кирган **«Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги** Ўзбекистон Республикасининг Қонуни (бундан буён матнда «Қонун» деб юритилади) республикамизда энг янги ишланмалар тўғрисида тезкор ахборот бериб бориш, иқтисодиётнинг янада тараққий этишини қўллаб-қувватлаш, хусусан ишлаб чиқаришни, кичик бизнесни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитларни яратиш, ихтироларга ҳуқуқий муҳофаза олишда ишлаб чиқувчиларнинг дастлабки маблағларини қисқартириш учун муҳим ҳуқуқий асос яратади.

Мазкур Қонунда белгиланган қўйидаги муҳим қоидаларнинг мазмун-моҳиятига эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

***биринчидан**, Қонун 6-моддасининг олдинги таҳририда ихтиро сифатида эътироф этиладиган объектларнинг рўйхати (қурилмалар; усуллар; моддалар; микроорганизмларнинг штаммлари; ўсимликлар ва ҳайвонлар ҳужайраларининг турлари; илгаридан маълум бўлган қурилмалар, усуллар, моддаларнинг, микроорганизмлар штаммларининг янги мақсадда қўлланилиши) чекланган ҳолда белгиланган эди. Бу эса ўз навбатида, бошқа илмий-техникавий натижаларни (масалан, ген муҳандислиги объектларини) ихтиро сифатида муҳофаза қилишга тўсқинлик қилар эди.*

Бу ўринда Қонуннинг мазкур моддаси саккизинчи қисмига киритилган **муҳим ўзгартиш ва қўшимчалардан бири – эндиликда ихтиронинг техник характерини эътироф этиш билан бир қаторда, илмий-техникавий тараққиёт жараёнида яратилиши мумкин бўлган объектлар рўйхатининг чекланмаганлигидир. Мазкур меъёр келгусида юзага келиши мумкин бўлган янги турдаги объектларга муҳофаза тақдим этиш борасидаги тўсиқларни бартараф қилишда муҳим аҳамиятга эга.**

***иккинчидан**, Қонуннинг 20-моддасига мувофиқ, Патент идораси патент бериш ҳақидаги талабнома бўйича расмий экспертиза, фойдали модель ҳақидаги талабнома экспертизаси ҳамда ихтиро ҳақидаги талабноманинг ёки саноат намунаси ҳақидаги талабноманинг моҳияти бўйича илмий-техника экспертизасидан иборат бўлган давлат экспертизасини ўтказади. Бу ўринда, белгиланган талаблар бузилган ҳолда расмийлаштирилган патент бериш ҳақидаги талабнома юзасидан талабнома берувчига сўров юборилиб, унда шу сўров йўлланган санадан эътиборан уч ой ичида тузатишлар киритилган ёки етишмаётган материалларни тақдим этиш таклиф қилинади. Агар талабнома берувчи сўралган материалларни ёки белгиланган муддатни узайтириш тўғрисидаги илтимосномани кўрсатилган муддатда тақдим этмаса, патент бериш ҳақидаги талабнома чақириб олинган ҳисобланади. Аммо, амалиётда қўшимча экспертиза сўровига жавоб бериш муддатларининг бир неча йилларга чўзилиб кетаётганлиги ҳамда бунинг натижасида талабнома берилган объект бўйича иш юритиш ҳолатининг ҳуқуқий жиҳатдан мавҳум бўлиб қолаётгани, шунингдек бошқа талабномалар бўйича экспертизанинг тугалланишига тўсқинлик қилиш ҳолларини кузатиш мумкин. Шу боисдан мазкур ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида «Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида»ги Қонуннинг 20-моддаси учинчи қисми **«белгиланган муддат талабнома берувчининг илтимосномасига кўра шу муддат ўтган санадан кейин кўпи билан ўн икки ойга узайтирилиши мумкин»**лиги қўшимчаси билан ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилди.*

***учинчидан**, янги техник ютуқлар тўғрисидаги ахборотни манфаатдор шахслар эътиборига тезроқ етказиш мақсадида, ихтирога берилган талабнома ҳақидаги маълумотларни эълон қилиш жараёнини тартибга солувчи янги 21¹-модда Қонунда ўз ифодасини топди. Зеро, берилган талабномалар тўғрисидаги маълумотларни эълон қилиш Ўзбекистон иштирокчиси бўлган 1970 йилнинг 19 июнида Вашингтон шаҳрида қабул қилинган «Патент кооперацияси тўғрисида»ги халқаро шартномада назарда тутилган. Киритилган янги модда мазмунига кўра, **«ихтиро ҳақидаги талабнома тўғрисидаги маълумотлар кўриб чиқиш учун қабул қилинган талабнома топширилган санадан эътиборан ўн саккиз ой ўтгандан кейин расмий ахборотномада эълон қилинади. Эълон қилинадиган маълумотлар таркиби Патент идораси томонидан белгиланади.***

Талабнома берувчининг илтимосномасига кўра Патент идораси кўриб чиқиш учун қабул қилинган ихтиро ҳақидаги талабнома топширилган санадан эътиборан ўн саккиз ой ўтгунига қадар ихтиро ҳақидаги талабнома тўғрисидаги маълумотларни эълон қилиши мумкин».

Албатта мазкур модда мазмунидаги ўн саккиз ойлик муддат билан қоидалар юқорида таъкидлаб ўтилган халқаро ҳужжат талабларига тўла мувофиқ келади. Бинобарин, мазкур муддат жаҳон амалиётида анъанавий бўлиб, у талабномалар бўйича иш юритиш, уларни қайта ишлаш, расмий экспертизасини ўтказиш, олиб борилиши мумкин бўлган ёзишмалар, шунингдек нашрга тайёрлаш ишлари билан боғлиқ ҳисобланади.

***тўртинчидан**, мазкур Қонун орқали янги таҳрирда баён этилган 23-моддага мувофиқ, **«Патент идораси патент божи тўланган тақдирда, талабнома берувчининг ёки ҳар қандай шахснинг илтимосномасига кўра ихтиро ҳақидаги талабноманинг моҳияти бўйича илмий-техника экспертизаси ўтказади. Илтимоснома талабнома топширилаётганда ёки кўриб чиқиш учун қабул қилинган талабнома топширилган санадан эътиборан уч йил ичида топширилиши мумкин. Талабнома берувчи келиб тушган илтимосномалар ҳақида Патент идораси томонидан хабардор қилинади»**. Бу ўринда, илтимосномани бериш имкониятини қонуний жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилганлиги, ўз навбатида талабнома берувчига қўшимча маркетинг тадқиқотларини ўтказиш, шунингдек ўз ишланмасини патентлаш зарурлигининг мақсадга мувофиқлигини баҳолаш имкониятини юзага келтиради.*

Бинобарин, Қонуннинг ушбу моддасида белгилаб қўйилган ихтиро ҳақидаги талабноманинг моҳияти бўйича илмий-техника экспертизасини ўтказиш жараёнини бугунги кунда аксарият Европа мамлакатларида, шунингдек АҚШ, Хитой, Жанубий Корея, Япония, Австралия мамлакатлари тажрибасида ҳам кузатиш мумкин.

***бешинчидан,** талабнома берувчининг талабнома берилган ихтиро моҳиятининг очилгани билан боғлиқ эҳтимолий зарарларини қоплаш мақсадида, мазкур Қонун орқали янги 23¹-модда ўз аксини топди. Унга кўра, ихтирога ихтиро ҳақидаги талабнома тўғрисидаги маълумотлар эълон қилинган санадан ихтиро давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақидаги маълумотлар эълон қилингандан санагача қадар вақтинчалик ҳуқуқий муҳофаза берилади. Агар ихтиро ҳақидаги талабнома чақириб олинган бўлса ёки ушбу талабнома бўйича Патент идораси томонидан патент беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиниб, бу қарор устидан шикоят бериш имконияти тугаган бўлса, вақтинчалик ҳуқуқий муҳофаза юз бермаган ҳисобланади. Ихтиродан унинг вақтинчалик ҳуқуқий муҳофазаси даврида фойдаланаётган шахс ихтирога патент олингандан кейин патент эгасининг талабига кўра унга миқдори патент эгаси билан келишув асосида белгиланадиган пул товони тўлаши шарт.*

***олтинчидан**, мазкур Қонунда ихтиро ҳақидаги талабнома тўғрисидаги маълумотларни эълон қилиш имкониятининг*

2-бетда

УШБУ СОНДА

1-2-бетлар Патент эгалари манфаати йўлида
3-бет Янги ҳужжатларни тақдим этамиз
4-5-бетлар Бизнинг маслаҳатлар
7-12-бетлар Қонунчиликдаги янгиликлар

$1 = 1324,60 сўм €1 = 1908,75 £1 = 2376,86 сўм ¥10 = 121,75 сўм

INTER PRESS
www.interpress.uz
INTER-PRESS АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ
ОБУНА-2009 ГАЗЕТАЛАР, ЖУРНАЛЛАР, КИТОБЛАР
Bella Terra • Baby Terra • Jannat Makon • 7 дней • Burda • Cosmopolitan • Forbes • Домовой • Glamour • OOPS! • Автомир
Аргументы и Факты • Verena • Вокруг света Вокруг смеха • Все звезды • За рулем • Здоровье • Итоги
• Караван Историй • Классон • КоммерсантЪ • Крестьянка • Лиза • Огонек • Отдохни! • Совершенно секретно
тел./факс: (99897) 119-0000 155-0955
Тошкент ш., Навоий кўч., 13

# ПАТЕНТ ЭГАЛАРИ МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШДА МУҲИМ ҚАДАМ

1-бетда

*назарда тутилганлиги, ўз навбатида манфаатдор шахсларга патент берилишига тўсқинлик қиладиган маълумотларни идорага экспертиза жараёни тугалланган, рўйхатдан ўтказилган ва эълон қилингандан кейин эмас, балки экспертиза бошланмасдан туриб ёки экспертиза ўтказилаётган пайтда маълум қилиш имкониятини беради. Ва бу борада, шунингдек саноат мулки объектига патент берилишини ҳамда уни фуқаролик муомаласига киритилишини жадаллаштириш мақсадида, патент бериш Қонуннинг 26-моддасида аввал белгиланган* ***уч ой*** *ўтганидан кейин эмас, балки* ***ўн кун*** *ўтганидан кейин берилиши мумкинлиги ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилди.*

*Ва ниҳоят* **еттинчидан**, *бугунги бозор иқтисодиёти шароитида ўзига хос жиҳатларга эга бўлган муайян молиявий қийинчиликларга дуч келаётган патент эгаларининг манфаатларини таъминлаш мақсадида, Қонун* ***«патентни ўз кучида сақлаб турганлик учун патент божи белгиланган муддатда тўланмаганлиги сабабли амал қилиши тугатилган саноат мулки объекти патентининг амал қилиши патент эгасининг илтимосномасига кўра тикланиши мумкин»****лигини назарда тутувчи* $28^1$*-модда билан тўлдирилди. Албатта мазкур ҳолларда илтимоснома патентнинг амал қилиши тугатилган санадан эътиборан уч йил муддат ичида, бироқ патентнинг Қонунда назарда тутилган амал қилиш муддати тугагунига қадар Патент идорасига топширилиши мумкин. Бундан ташқари, патент эгасининг илтимосномасига патентнинг амал қилишини тиклаш учун белгиланган миқдордаги патент божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат илова қилиниши лозим.*

*Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, ушбу Қонуннинг ижтимоий ҳаётимизга татбиқ этилиши биринчидан, республикамизда энг янги ишланмалар тўғрисида тезкор ахборот бериб бориш тизимини янада такомиллаштиришга; иккинчидан, ихтироларга ҳуқуқий муҳофаза олишда ишлаб чиқувчиларнинг дастлабки маблағларини қисқартиришга; учинчидан, ишлаб чиқариш соҳасида, шу жумладан кичик бизнесни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитларни яратишга; тўртинчидан, ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналарини ҳуқуқий муҳофаза қилиш ҳамда улардан фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни халқаро ҳужжатлар талабларига мувофиқлаштиришга хизмат қилади.*

***Нуриддин НАРМАТОВ,***
***Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти Гуруҳ раҳбари, юридик фанлари номзоди, доцент.***

# УЙ СОТИБ КУЙИБ ҚОЛМАНГ

***Фуқаролар ўртасидаги уй-жой олди-сотди шартномаларини нотариал тасдиқлатиш мулк дахлсизлигининг ўта муҳим кафолати ҳисобланади. Ушбу жараён билан боғлиқ ижтимоий муносабатга киришиш учун аввало нотариусларларга мурожаат этилади. Нотариуслар эса шартномани расмийлаштиришдан аввал бир даста ҳужжатлар рўйхатини қўлимизга тутқизади. Хўш, бу маълумотлар нимага асосланиб талаб этилади, деган савол кўпчиликни қизиқтириши табиий.***

Маълумки, Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 ноябрдаги «Электр энергиясидан фойдаланганлик учун ҳисоб-китоб қилиш механизмини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 511-сон қарорининг 2-бандига мувофиқ, уй-жойлар ва квартираларнинг олди-сотди шартномаларини рўйхатдан ўтказиш фақат энергия, табиий газ ва бошқа коммунал хизматлар учун қарзлар тўлиқ тўлангандан кейин амалга оширилиши белгилаб қўйилган. Шу сабабли, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг махсус кўрсатмаси асосида 2005 йилнинг 1 январидан бошлаб барча нотариуслар кўчмас мулкларни тасарруф этиш шартномаларини расмийлаштирганларида мулкдорнинг телефон (телеграф-телефон станциялари), иссиқ сув (туман иссиқлик тармоғи корхоналари) ва совуқ сув (туман сув хўжалиги бўлимлари), табиий газ (туман газ бўлимлари), электр энергияси (туман электр тармоқлари корхонаси), маиший чиқиндилар («Махсустранс» корхонаси), уй-жой эксплуатацияси учун (хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатидан) қарзи йўқлиги ҳақида ушбу идоралар раҳбарлари томонидан берилган ва думалоқ муҳр билан тасдиқланган маълумотномаларни олишлари шарт. Агар айрим туман (шаҳар)ларда фуқароларга юқоридаги хизматлар кўрсатилмаган бўлса, бу ҳақда маълумотномалар олиниши лозим эмас.

Баъзида шундай ҳолатлар ҳам учраб турадики, мулк эгаси ё олди-сотди шартномаларини расмийлаштириш учун зарур бўладиган ҳужжатларни билмайди ё мазкур жараёндаги югур-югурларга эриниб, халқ тили билан айтганда, даллолларга осонгина ишонч билдириб қўя қолади. Аммо аҳолининг бундай соддалиги кўпинча ўзига қимматга тушади, чунки баъзи ҳолларда фуқаролар даллолларнинг иштирокисиз мулклари, яъни уй-жойларини ўз хоҳишларича тасарруф эта олмай ҳам қоладилар. Бундан ташқари коммунал тўлов ташкилотларида ҳам ана шу сингари алданиб қолиш эҳтимоли йўқ эмас. Кўпинча ҳужжатлар сохталаштирилиб, амалдаги қарз сўндирилмай, бу мажбурият сунъий тарзда мулкнинг янги эгаси зиммасига ўтказилади. Аксарият ҳолларда эса бундай сохта харидорлар уйни уни сотиш ҳуқуқини берувчи ишончномалар орқали олиб, бир оз вақт ўтгач, бирни ўнга пуллашади. Қарабсизки, уйнинг нархи ҳам сунъий равишда кўтарилади. Шунинг учун мулкчилик муносабатлари доимо аниқликни, инсон ҳуқуқлари бузилмаслигини талаб этади.

Олди-сотди муносабатларида талаб этиладиган муайян ҳужжатлар рўйхати мавжуд бўлиб, уларни билиб қўйиш эса ҳеч қачон ортиқчалик қилмайди. Масалан «Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри хизмати» давлат унитар корхонаси ҳудудий бўлимидан маълумотнома, турар жойдан маълумотнома (бунда фуқаронинг ҳақиқатда рўйхатдан ўтганлиги ҳамда коммунал тўловлардан қарзи бор-йўқлиги кўрсатилади), ҳудудий Давлат солиқ инспекциясидан, агар сотилаётган мулк ҳовли уй бўлса, Архитектура ва қурилиш Бош бошқармасидан, кўп қаватли уйдаги квартира бўлса, мазкур мулкнинг хусусийлаштирилганлиги ҳақида Давлат мулк қўмитаси ҳудудий бўлимидан маълумотнома, газ-сув, электр тармоқлари корхоналаридан маълумотлар керак бўлади. (Шуни унутмаслик керакки, мулк хусусиятидан келиб чиқиб, бошқа ҳужжатлар ҳам талаб этилиши мумкин.)

Аҳолига турли хил ҳуқуқий хизматлар кўрсатилишида нотариуслар ҳам ўзларининг салмоқли ҳиссалари билан ажралиб туради. Нотариал хизматлар оммавий-ҳуқуқий характерга эга бўлиб, мустақил ҳолда амалга оширилади. Яъни, бу фаолиятни амалга оширишда улар амалдаги қонун ҳужжатларига таяниб иш кўрадилар.

Нотариус муайян бир нотариал ҳаракатни амалга оширишда унинг барча иштирокчилари учун бир хил ҳуқуқий шароитлар яратиб беради, бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлайди. Зотан, нотариат тизими ҳам ҳуқуқий ҳимоянинг бир тармоғи сифатида муҳим аҳамият касб этади.

***Мавлуда МАНСУРОВА,***
***Тошкент шаҳар 7-сон давлат нотариал идораси нотариуси.***

## ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН ҚИЙМАТИ

***Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2008 йил 9 сентябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)***

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 1099,82 | 1 Малайзия ринггити | 387,88 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 2376,86 | 1 Польша злотийси | 559,38 |
| 1 Дания кронаси | 256,15 | 1 СДР | 2048,52 |
| 1 БАА дирҳами | 360,64 | 1 Туркия лираси | 1062,23 |
| 1 АҚШ доллари | 1324,60 | 1 Швейцария франки | 1187,24 |
| 1 Миср фунти | 246,35 | 1 ЕВРО | 1908,75 |
| 1 Исландия кронаси | 15,19 | 10 Жанубий Корея вони | 12,17 |
| 1 Канада доллари | 1253,64 | 10 Япония иенаси | 121,75 |
| 1 Хитой юани | 193,69 | 1 Россия рубли | 52,04 |
| | | 1 Украина гривнаси | 273,10 |

****) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.***

## МДҲ ВА БОЛТИҚБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

| Мамлакат | Сана | АҚШ доллари | | Евро | | Россия рубли | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | бирлиги | курси | бирлиги | курси | бирлиги | курси |
| Озарбайжон | 10.09.2008 | 1 | 0,8155 | 1 | 1,1528 | 1 | 0,0319 |
| Арманистон | 10.09.2008 | 1 | 302,66 | 1 | 428,08 | 1 | 11,83 |
| Беларусь | 11.09.2008 | 1 | 2113 | 1 | 2992,75 | 1 | 82,62 |
| Грузия | 10.09.2008 | 1 | 1,407 | 1 | 1,9854 | 1 | 0,055 |
| Қозоғистон | 11.09.2008 | 1 | 119,61 | 1 | 169,2 | 1 | 4,68 |
| Қирғизистон | 6.09.2008 | 1 | 34,6693 | 1 | 49,3882 | 1 | 1,362 |
| Латвия | 11.09.2008 | 1 | 0,496 | 1 | 0,702804 | 1 | 0,0194 |
| Литва | 11.09.2008 | 1 | 2,4395 | 1 | 3,4528 | 10 | 9,5384 |
| Молдова | 10.09.2008 | 1 | 9,6708 | 1 | 13,7108 | 1 | 0,3788 |
| Тожикистон | 9.09.2008 | 1 | 3,417 | 1 | 4,8682 | 10 | 1,3526 |
| Ўзбекистон | 9.09.2008 | 1 | 1324,6 | 1 | 1908,75 | 1 | 52,04 |
| Украина | 10.09.2008 | 100 | 485,14 | 100 | 686,182 | 10 | 1,8965 |
| Эстония | 10.09.2008 | 1 | 11,0628 | 1 | 15,6466 | 1 | 0,432519 |

***Манба: www.prime-tass.ru***

РЕКЛАМА

Хизматлар лицензияланган
pr_67
STS LOGISTICS
SOLUTIONS TO SATISFACTION
МДҲ мамлакатлари бўйлаб, Европа, Америка, Япония ва Хитойда
30 дан зиёд офис ва 300 агент
– транспортнинг барча турларида юк ташиш
– юкларни "эшикдан эшиккача" етказиб бериш
– импорт ва экспорт юкларининг божхона расмийлаштируви
Тел.: 120-77-66, 120-77-89, 120-77-91, 120-77-92. E-mail: ststas@stslogistics.net, www.stslogistics.net

УШБУ СОНДА:

✓ ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР
– Патент эгалари манфаатларини таъминлашда муҳим қадам
– Уй сотиб куйиб қолманг
– Валюталар курси
– Янги ҳужжатларни тақдим этамиз
*1-3-бетлар*

✓ БИЗНИНГ МАСЛАҲАТЛАР
– Фақат енгил саноат учун
– ЯИТсиз ҳисобланадиган даромад солиғи
– Мақсадсиз бўшаган маблағлар
– Тасдиқланмаса, даромад солиғи солинади
– Сув остида ишлайдиганлар учун
– Байрам қилиш даромад олишга кирмайди
– Ижара ШЖБПҲни тўлдирмайди
*4-5-бетлар*

✓ КАДРЛАР БЎЛИМИ
– Лавозим йўриқномаси асоссиз даъволарга қарши
– Ходим учун ғамхўр иш берувчи
– Ишлаш учун пойтахтга *6-бет*

ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР
**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори:**
– «Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида».
**Идоравий-меъёрий ҳужжатлар:**
– ЎзР ДСҚ, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг «Суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлиги учун суғурталовчиларга жарима санкцияларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори;
– ЎзР МАИМҚВ, МВнинг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 21 июлдаги ПФ-4014-сонли «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармони бўйича пенсияларни қайта ҳисоблаш тартиби ҳақидаги йўриқномани тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори;
– ЎзР Давлат статистика қўмитасининг «2008 йил учун давлат статистика ҳисоботи шаклларини тасдиқлаш тўғрисидаги қарорга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори;
– ЎзР ТИАИСВ, МВ, ДБҚнинг «Экспорт-импорт юкларини расмийлаштиришда божхона органларига тақдим этиладиган ҳужжатлар рўйхатига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори.
**Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2008 йил 12 июлдан 8 августгача бўлган маълумот.**
*7-12-бетлар*

✓ БИЗНЕС-ПАНОРАМА *13-16-бетлар*

# ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

### ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР

**Президентнинг 2008 йил 27 августдаги ПҚ-953-сон қарори** билан Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Литва Республикаси ҳукумати ўртасида 2008 йил 19 июнь куни Тошкент шаҳрида имзоланган Иқтисодий ҳамкорлик ҳақидаги битим тасдиқланди.

### ЭЛЕКТРОН КУТУБХОНА

**Президентнинг 2008 йил 26 августдаги ПҚ-952-сон қарори** билан Корея Республикаси ҳукуматининг грант маблағлари доирасида олиб келинадиган ускуналар ва материаллар, шунингдек кўрсатиладиган техник ёрдам Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг Тошкент шаҳар «Билим» ахборот-кутубхона маркази негизида илмий-техника адабиётлари электрон кутубхонасини ташкил этишга йўналтирилиши белгиланган. Грант маблағлари ҳисобидан олиб келинадиган ускуналар ва материаллар божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) озод этилади.

### АРХИВ ИШЛАРИ

**Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 26 августдаги «Ўзбекистон Республикасида архив ишини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 194-сон қарори билан 2011 йилгача архив ишини ва иш юритишни ривожлантириш дастури ҳамда мақсадли мўлжаллари тасдиқланди** *(«Норма маслаҳатчи»-да чоп этилади)*. Улар республика Миллий архив фонди ҳужжатлари сақланиши ва сақлаш хавфсизлиги шарт-шароитларини такомиллаштириш; давлат архивларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларни рақамлаш, таъмирлаш, консервация қилиш ва архив ҳужжатларидан эҳтиётлаш мақсадида нусха олиш бўйича юқори технологик асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш; республиканинг умумий фойдаланиладиган архив ахборотлари маълумотлари базасини шакллантиришни назарда тутувчи архив муассасаларининг маълумотлар узатиш ва интеграциялашган ахборот тизимининг корпоратив тармоғини яратиш; масофадан ўқитишнинг замонавий технологияларидан фойдаланган ҳолда архив иши ва иш юритиш ходимлари малакасини мунтазам равишда ошириш тизимини шакллантиришга йўналтирилган.

Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Ўзархив» агентлиги марказий аппаратининг тузилмаси ва архив иши ҳудудий бошқармаларининг намунавий тузилмаси тасдиқланди. Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 3 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида архив ишини бошқаришни янада такомиллаштириш тўғрисида» 49-сон қарорига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

### АХБОРОТ-ТАҲЛИЛ ДЕПАРТАМЕНТЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМЛАР

Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 3 сентябрдаги 199-сон қарори билан қуйидаги низомлар тасдиқланди:

– Машинасозликни, электротехника ва авиация саноатини ривожлантириш, маҳсулотларни стандартлаштириш масалалари ахборот-таҳлил департаменти тўғрисидаги низом;

– Геология, ёқилғи-энергетика комплекси, кимё, нефть-кимё ва металлургия саноати масалалари ахборот-таҳлил департаменти тўғрисидаги низом.

Иккала департамент Ўзбекистон Республикаси ҳукумати Ижро этувчи аппаратининг таркибий бўлинмаси ҳисобланади. Уларнинг фаолияти Вазирлар Маҳкамасини, унинг Президиумини, шунингдек Вазирлар Маҳкамаси Ижро этувчи аппаратини тармоқларни ривожлантириш масалалари бўйича ахборот-таҳлилий материаллар билан таъминлашга йўналтирилган. Ҳужжат билан департаментларнинг вазифалари ва функциялари, ҳуқуқлари ва жавобгарлиги, шунингдек уларнинг тузилмаси ва фаолиятини ташкил этиш масалалари белгиланди.

### ЁҒ-МОЙ САНОАТИ РИВОЖ ТОПАДИ

**Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 4 сентябрдаги 200-сон қарори билан** ишлаб чиқарилаётган пахта мойи сифатини оширишни рағбатлантиришга доир ташкилий чора-тадбирлар ва уни назорат қилиш тизими тасдиқланди. 2008–2011 йиллар даврида ёғ-мой саноати корхоналари томонидан ушбу ўсимликни қадоқлаш ва ҳидсизлантириш бўйича қувватларни кучайтириш назарда тутилган. 2008 йил пахта хом ашёси ҳосилидан бошлаб техник чигитга улгуржи-сотиш нархлари уларнинг навлари ва класси ҳисобга олинган ҳолда табақалаштирилиб «Ўзпахтасаноат» уюшмаси билан келишган ҳолда Молия вазирлиги томонидан белгиланади. 2009 йилги ҳосилдан бошлаб эса пахта мойи чиқиши нормативлари ҳар йили селекция навлари бўйича пахта хом ашёси тайёрлашнинг ҳақиқий ҳажмлари ва чигитнинг Ўзбекистон «Сифат» маркази томонидан аниқланадиган мойдорлиги ҳисобга олинган ҳолда республика минтақалари бўйича иқтисодиёт ва молия вазирликлари томонидан Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати уюшмаси билан биргаликда белгиланади.

### АТТЕСТАЦИЯДАН ЎТКАЗИЛАДИЛАР

**Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказининг қўшма қарорлари *(АВ томонидан 2008 йил 29 августда 1845, 1846, 1847, 1849-сонлар билан рўйхатдан ўтказилган)*** билан Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ходимлари асосий лавозимларининг малака тавсифлари бўйича йўриқнома, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаси ҳузуридаги алоҳида ўрнак кўрсатган ходимларни рағбатлантириш бўйича махсус комиссия тўғрисидаги низом, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқитувчилари ва ишлаб чиқариш таълими усталарини аттестациядан ўтказиш ҳамда уларга малака тоифалари бериш тартиби тўғрисидаги низом, Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларидаги таълим жараёнига тажрибали амалиётчилар, шунингдек олий таълим муассасаларининг етакчи ўқитувчилари ва профессорларини жалб этишни рағбатлантириш тўғрисидаги низом тасдиқланди.

**2008 йил 8 сентябрдан кучга кирди.**

### ЧЕТ ЭЛДАГИ ҲИСОБВАРАҚЛАРГА ДОИР

**Марказий банкнинг қарори *(АВ томонидан 2008 йил 29 августда 610-3-сон билан рўйхатдан ўтказилган)*** билан Чет элда ҳисобварақлар очиш учун рухсатномалар бериш тартибига (1999 йил 22 январдаги 610-сон) ўзгартиришлар киритилди *(«Норма маслаҳатчи»да чоп этилади)*.

Чунончи, юридик шахслар – резидентлар томонидан Ўзбекистон ташқарисидаги банкларда ҳисобварақларни очиш учун рухсатнома олишга Марказий банкка Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг ваколатхоналарни барпо этишга розилиги кўчирма нусхаси тақдим этишлари керак. Марказий банк, ариза берувчилар томонидан қонунларнинг бузилгани ва хориждаги ҳисобварақларда маблағларнинг ҳаракати тўғрисида ўз вақтида маълумот берилмагани аниқланган тақдирда, уларга берилган рухсатномаларни шунингдек Ўзбекистон Республикаси ТИАИСВ, Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси билан ҳам келишган ҳолда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир.

**2008 йил 8 сентябрдан кучга кирди.**

### 25$га ОЛИБ КИРИШГА РУХСАТ ЭТИЛАДИ

**Давлат божхона қўмитаси, Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг қарори *(АВ томонидан 2008 йил 3 сентябрда 1147-3-сон билан рўйхатдан ўтказилган)*** билан Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали товарларни олиб келиниши мақсадини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомга *(2002 йил 4 июндаги 1147-сон)* ўзгартиришлар киритилди *(«Норма маслаҳатчи»да чоп этилади)*. Улар ушбу Низомни Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига чегарадош давлатлар ҳудудидан шахсий фойдаланиш учун бож тўламасдан олиб кириладиган истеъмол товарларининг чекланган миқдорий нормаларига *(2002 йил 28 декабрдаги 1196-сон)* мувофиқлаштирмоқда. Уларга мувофиқ жисмоний шахслар томонидан чегарадош давлатлар ҳудудидан бож тўламасдан олиб кириладиган истеъмол товарларининг миқдорий нормалари доирасида умумий қиймати 25 АҚШ долларидан кўп бўлмаган товарларни олиб киришга рухсат берилади (аввал ушбу рақам 50 АҚШ долларини ташкил қилган).

**2008 йил 13 сентябрдан кучга киради.**

### ТАДБИРКОРЛАР БАНК КАРТАСИДАН ҚАНДАЙ ФОЙДАЛАНАДИЛАР?

**Марказий банк бошқарувининг қарори *(АВ томонидан 2008 йил 4 сентябрда 1850-сон билан рўйхатдан ўтказилган)*** билан Якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан миллий валютадаги банк карталаридан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди *(«Норма маслаҳатчи»да чоп этилади)*. Унга кўра, **якка тартибдаги тадбиркорнинг миллий валютадаги банк картаси** – якка тартибдаги тадбиркорга банк томонидан бериладиган, якка тартибдаги тадбиркор банк картасини сақловчиси (эмитент билан шартнома асосида банк картасидан фойдаланувчи якка тартибдаги тадбиркор)га карта ҳисобварағида ҳисобда турган пул маблағларини тасарруф этган ҳолда товарлар, ишлар ёки хизматларни сотиб олиш учун миллий валютада нақд пулсиз шаклда тўловларни амалга ошириш ҳуқуқини берувчи тўлов картасидир. Низомда якка тартибдаги тадбиркор ундан фойдаланилган ҳолда амалга ошириладиган операциялар рўйхати келтирилган.

**2008 йил 14 сентябрдан кучга киради.**




### БАҲОЛОВЧИЛАР УЧУН ИЧКИ ҚОИДАЛАР

**Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитасининг қарори *(АВ томонидан 2008 йил 5 сентябрда 1851-сон билан рўйхатдан ўтказилган)*** Ўзбекистон Республикаси мулкни баҳолаш миллий стандарти «Баҳоловчилар иши сифатини назорат қилишнинг ички қоидаларига қўйиладиган умумий талаблар»ни тасдиқланди *(«Норма маслаҳатчи»да чоп этилади)*. Унинг мақсади – баҳоловчи ташкилотларнинг ички қоидаларни ишлаб чиқишга нисбатан ёндашув ва тамойилларини, шунингдек уларни қўллашда ички назоратни ташкил қилиш ва тартибга солиш талабларини бирхиллаштиришдир. МБМС баҳоловчи ташкилотлар ички қоидаларини ишлаб чиқишнинг ягона тамойиллари ва мажбурий талабларни, уларга риоя қилиниши устидан ички назоратни амалга ошириш тартибини белгилайди.

Барча баҳоловчи ташкилотлар ички қоидаларни ишлаб чиқиши ва амалда қўллаши мажбурийдир. Ички қоидалар дейилганда баҳоловчи ташкилот томонидан баҳолаш фаолиятини амалга оширишда самарадорликни таъминлаш ва мазкур фаолиятни қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ ҳолда юритиш мақсадида қабул қилиниб, тасдиқланган, баҳолаш ишларини амалга ошириш ва расмийлаштиришга доир ягона талабларни белгиловчи ҳужжатлар тушунилади. Миллий стандартга иловаларда баҳоловчи ташкилотлар ички қоидаларини тайёрлашнинг намунавий тартиби ва намунавий шакли келтирилган.

**2008 йил 15 сентябрдан кучга киради.**

***Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қисқача шарҳлари 2008 йил 23 августдан 5 сентябргача бўлган давр учун «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами»нинг 35-36-сони асосида тайёрланди.***

*Мазкур ва бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан www.norma.uz сайтидаги эркин кириладиган «Қонунчиликдаги янгиликлар» рукнида танишиб чиқишингиз мумкин.*

**Диққат!**




***Сиз вақтингизни тежашни хоҳлайсизми? Ортиқча харажатларга ҳам чек қўймоқчимисиз?***

**У ҳолда Давлат солиқ қўмитаси таклиф этаётган**

**«Интерактив хизмат кўрсатиш»**

**тизимидан фойдаланинг!**

Тизимнинг имкониятлари:
– солиқ ҳисоботларини электрон кўринишда тақдим этиш;
– шахсий ҳисобварақдан кўчирма ва солиштирма далолатнома олиш;
– тегишли давр учун текшириш режа-жадвалидан кўчирма ва текширувчи орган ҳақида маълумот олиш.

Тизимдан фойдаланиш учун Интернет тармоғида ***soliq.uz*** ёки ***SICNT.uz*** сайтининг «Интерактив хизматлар» саҳифасига кирилади.
Ушбу саҳифага кириш ва ундан фойдаланиш учун электрон рақамли имзо калити ўзингиз рўйхатдан ўтган Давлат солиқ инспекциясидан олинади.

**Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Янги технологиялар илмий-ахборот маркази.**

**Маълумотлар учун телефон:**
**244-97-64.**

# ФАҚАТ ЕНГИЛ САНОАТ УЧУН

***?*** ***«Ўзбекенгилсаноат» ДАК таркибига кирадиган ва солиқ солишнинг умумбелгиланган тизимида бўлган корхона Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекенгилсаноат» давлат-акциядорлик компанияси бошқариш тузилмасини такомиллаштириш ва республика енгил саноатини янада ривожлантиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» (2004 йил 25 мартдаги 141-сон) қарорига кўра ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотни ноль даражали ҚҚСни ҳисоблаб ёзган ҳолда эркин конвертацияланадиган валютага бериш ҳуқуқига эгами?***

**«Ўзбекенгилсаноат» ДАК корхонаси.**

– «Ўзбекенгилсаноат» давлат-акциядорлик компанияси бошқариш тузилмасини такомиллаштириш ва республика енгил саноатини янада ривожлантиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарор *(2004 йил 25 мартдаги 141-сон)* ва Президентнинг «Пахта толасини республиканинг ички истеъмолчиларига сотишни такомиллаштириш ва тўқимачилик саноатини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарори *(2007 йил 21 ноябрдаги ПҚ-733-сон)* билан белгиланишича, «Ўзбекенгилсаноат» ДАК корхоналари 2011 йилнинг 1 январигача истисно тарзида ички бозорда ярим тайёр тўқимачилик маҳсулотларини (калава, газмол, трикотаж полотно ва пахтани йигириш чиқиндиларини) шартнома тузиш пайтида таркиб топган жаҳон нархларидан паст бўлмаган нархларда эркин муомаладаги валютага **(ҚҚС ноль даражали ставка бўйича қўшиб ҳисобланган ҳолда) сотиб олишлари** мумкин. Бунда ушбу ярим тайёр маҳсулотлардан ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг камида 80 фоизи экспортга йўналтирилиши керак – ушбу режимда товарлар божхона ҳудудидан ташқарига уларни қайтариб олиб кириш мажбуриятисиз олиб чиқилади. «Ўзбекенгилсаноат» ДАК таркибига кирган корхонангиз эркин муомаладаги валютага ички бозорда ярим тайёр тўқимачилик маҳсулотларини харид қилаётганда мазкур имтиёздан фойдалана олади.



**Улардан экспорт учун ишлаб чиқарилган маҳсулотни чет эл валютасига реализация қилиш оборотларига Солиқ кодексининг 212-моддасига асосан ноль даражали ставка бўйича қўшилган қиймат солиғи солинади.**

# ЯИТсиз ҲИСОБЛАНАДИГАН ДАРОМАД СОЛИҒИ

***?*** ***1. Ходимлар иш ҳақига қўшимча равишда овқатланиш учун компенсация ва келиш-кетиш учун товон пули ҳисоблаб ёзамиз. Ушбу тўловлар 24%лик ставка бўйича ягона ижтимоий тўловга тортиладими?***

***2. Болалар ва ўсмирлар учун пойабзал ҳамда курткалар ишлаб чиқарувчи ягона солиқ тўлови тўловчилари учун имтиёзлар мавжудми?***

***3. ҚҚС бўйича ҳисоб-китобни тўлдираётганда унинг 10-сатрида реализация қилиш суммаси, 16-сатрида унга доир ҚҚС солиниши, 1-сатрида ҳисобот даврида келиб тушган хом ашё, материаллар, кўрсатилган хизматларнинг амалдаги қиймати кўрсатилади, натижада қўшимча тўланадиган ёки камайтириладиган ҚҚС суммаси келтирилади. Мен уни хом ашё, материаллар, хизматларни реализация қилиш харажатлари қийматига ҳисоблаб ёздим, фарқни эса асосан қўшимча тўлашга киритдим. Солиқни тўғри ҳисоблаб чиқардимми?***

**И.Тошпўлатов.**

– **1. Овқатланиш ва келиш-кетиш учун компенсацияга** (тўланиши қонун ҳужжатларида кўрсатилганларидан ташқари) жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи солинади. Бироқ уларга ягона ижтимоий тўлов ҳисоблаб ёзилмайди, чунки моддий наф тарзидаги даромадлар *(СКнинг 177-моддаси)*, уларга овқатланиш ва келиш-кетишга қўшимча тўловлар ҳам киради, **ижтимоий суғуртага ажратмалар объекти ҳисобланмайди.**




**2**. Болалар ва ўсмирлар учун пойабзал ҳамда курткалар ишлаб чиқарувчи корхоналар учун **2008 йилда** ягона солиқ тўловига доир **имтиёзлар назарда тутилмаган.**

**3.** Қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаш ва тўлаш тартиби Солиқ кодексининг 197-228-моддаларида белгиланган. **ҚҚС солиш объекти бўлиб,** СКнинг 198-моддасига кўра, «хом ашё, материаллар, хизматларни реализация қилиш харажатлари қиймати» эмас, балки **товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилиш обороти ҳисобланади.**

***МИСОЛ.*** *Ҳисобот даврида корхона қиймати ҚҚСсиз 10 млн сўмга тенг бўлган маҳсулотни реализация қилди. Қўшилган қиймат солиғи мазкур ҳолда 2 млн сўмни (10 000 000 х 20%) ташкил қилади, реализация қилиш нархи эса ҚҚСни ҳисобга олганда 12 млн сўмга (10 000 000 + 2 000 000) тенг. Бунда 6 млн сўмлик материаллар харид қилинган, шу жумладан ҚҚС – 1 млн сўмга тенг (маҳсулот етказиб берувчининг ҳисобварақ-фактурасига кўра). Олинган материаллардан ҚҚС солинадиган маҳсулотни ишлаб чиқариш учун фойдаланилди, бинобарин, улар бўйича ҚҚС ҳисобга қабул қилиниши керак. Бюджетга солиқ солинадиган оборотлар бўйича ҳисоблаб ёзилган ҚҚС суммаси ўтказилиши кераклигини ҳисобга олиб, ҳисобга қабул қилинган ҚҚС суммасини чегирган ҳолда, тегишинча, бюджетга 1 млн сўм (2 000 000 – 1 000 000) тўлаш керак.*

*Қўшилган қиймат солиғи ҳисоб-китобининг жадвал қисми ушбу ҳолда қуйидагича тўлдирилади:*

**Қўшилган қиймат солиғи ҳисоб-китоби**

| *Кўрсаткичлар* | *Сатр коди* | *Сумма* |
|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 |
| Ҳисобот даврида ҳисобга қабул қилинадиган қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС) суммаси (2-илованинг 050-сатри) | 010 | 1 000 000 |
| Улар бўйича тушум жорий солиқ даврида келиб тушган, бундан олдинги солиқ даври экспорт маҳсулотини реализация қилишдан оборотлар бўйича ҳисобга қабул қилинадиган ҚҚС суммаси (3-илованинг 050-сатри) | 020 | - |
| Ҳисобга қабул қилинадиган ҚҚС умумий суммаси (010-сатр + 020-сатр) | 030 | 1 000 000 |
| Товарлар (ишлар, хизматлар)ни реализация қилишдан оборотлар бўйича ҚҚС суммаси (4-илованинг 010-сатри, 4-устуни) | 040 | 2 000 000 |
| Бюджетга тўланадиган (камайтириладиган) ҚҚС суммаси (040-сатр – 030-сатр) | 050 | 1 000 000 |

# МАҚСАДСИЗ БЎШАГАН МАБЛАҒЛАР

***?*** ***Бизнинг кичик корхонамиз (ХХТУТ 14965) Президентнинг «Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарори (2006 йил 17 апрелдаги ПҚ-325-сон) асосида имтиёздан фойдаланади. Юридик шахсларга солиқлар, божхона ва мажбурий тўловларни бюджетга тўлаш бўйича берилган имтиёзларни расмийлаштириш ва бухгалтерлик ҳисобида акс эттириш тартиби тўғрисида низомнинг (АВ томонидан 2005 йил 2 апрелда 1463-сон билан рўйхатдан ўтказилган) 10-бандига кўра солиқ ва божхона имтиёзларини беришда бўшайдиган маблағлар суммалари, агар улардан мақсадли фойдаланиш назарда тутилмаган бўлса, бухгалтерлик ҳисобининг баланс ҳисобварақларида акс эттирилмайди ва шу муносабат билан Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда (2-шакл) акс эттирилмайди ва, тегишинча, молиявий натижаларни шакллантиришга таъсир кўрсатмайди.***

***1. Бу солиқ суммаси ҳисоблаб ёзилмаслигини ва, тегишинча, Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда (2-шакл) фойда имтиёзларни ҳисобга олган ҳолда кўрсатилишини билдирадими? Менга «молиявий натижаларни шакллантиришга таъсир кўрсатмайди» ибораси тушунарли эмас. Зеро имтиёзларни қўллаш барибир уларни шакллантиришга таъсир кўрсатади, у солиқни камайтириб, фойдани кўпайтиради ёки аксинча бўлади. Ёки мен нотўғри талқин қиляпманми?***

***2. Дивидендлар солиғи ҳисоб-китобини ҳар ойда ойнинг 5-кунигача топшириш лозимми ёки у ҳам чораклик ҳисоботми? Солиқ кодексида мен бу саволга жавоб топмадим.***

**Э.Ким.**

– **1.** Юридик шахсларга солиқлар, божхона ва мажбурий тўловларни бюджетга тўлаш бўйича берилган имтиёзларни расмийлаштириш ва бухгалтерлик ҳисобида акс эттириш тартиби тўғрисида низомга мувофиқ *(МВ, ДСҚ ва ДБҚнинг АВ томонидан 2005 йил 2 апрелда 1463-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган)* бўшайдиган маблағлардан **мақсадли фойдаланишни назарда тутмайдиган** солиқ ва божхона имтиёзлари берилганида солиқлар, божхона ва мажбурий тўловлар бюджетга **ҳисоблаб ёзилмайди** ва маҳсулот (товарлар, ишлар, хизматлар) ва бошқа мол-мулкнинг сотиш (харид) қийматига киритилмайди. Сиз тўғри қайд этганингиздек, бундай имтиёзларни қўллаш натижасида бўшайдиган маблағлар бухгалтерлик ҳисобининг баланс ҳисобварақларида акс эттирилмайди ва шу муносабат билан Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда (2-шакл) кўрсатилмайди. Яъни, Президентнинг «Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарори *(2006 йил 17 апрелдаги ПҚ-325-сон)* берган имтиёздан фойдаланиб, 2-шаклдаги 250 (260)-сатрда ҳисоблаб ёзилган солиқ суммасини акс эттириш керак эмас, чунки уни ҳисоблаб ёзиш ва акс эттириш бюджетга тўловлар бўйича қарз ҳисобварақларида (6400) ҳамда солиқлар ва йиғимларни тўлаш учун фойдадан фойдаланишни ҳисобга олиш ҳисобварағида (9800) амалга оширилмайди.

Бироқ **вақтинчалик** солиқ ва божхона имтиёзларида, сизнинг корхонангиз эса айни шундай имтиёздан фойдаланади, бўшаётган маблағларнинг лозим даражадаги бухгалтерлик ҳисобини таъминлаш учун бюджетга солиқ, божхона ва мажбурий тўловнинг ҳар бир тури бўйича алоҳида 013-«Вақтинчалик солиқ ва божхона имтиёзлари» балансдан ташқари ҳисобварағи очилади. Тўловнинг ҳар бир тури бўйича ҳисоблаб чиқарилган бўшаган маблағлар суммаси умумбелгиланган тартибда мазкур ҳисобварақ дебети бўйича акс эттирилади. Имтиёзли давр тугаши билан мазкур суммалар ушбу ҳисобварақ кредитига ҳисобдан чиқарилади.

***1-МИСОЛ.*** *Корхона Президентининг «2008-2010 йилларда саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури тўғрисида» қарорига асосан (2007 йил 28 майдаги ПҚ-879-сон) Маҳаллийлаштириш дастурига киритилган ва маҳаллийлаштириш лойиҳаси бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулот қисмида, бўшаётган маблағлардан мақсадли фойдаланиш шарти билан, фойда солиғини тўлашдан озод қилиш кўринишидаги имтиёздан фойдаланади.*

*Ҳисобот даврида маҳаллийлаштирилаётган маҳсулотни реализация қилишдан олинган фойда 4 750 минг сўмни ташкил қилди. Бухгалтерлик ҳисобида мақсадли фойдаланиш шарт қилинган фойда солиғи бўйича имтиёз қуйидаги ёзувлар билан акс эттирилади:*

| *N* | *Хўжалик операциясининг мазмуни* | *Сумма (минг сўм)* | *21-БҲМС бўйича ҳисобварақлар корреспонденцияси* | |
|---|---|---|---|---|
| | | | *дебет* | *кредит* |
| 1 | Фойда солиғи ҳисоблаб ёзилган 4 750 х 10% | 475 | 9810 | 6410 |
| 2 | Фойда солиғи бўйича имтиёзни қўллаш натижасида бўшаган маблағлар суммаси акс эттирилади | 475 | 6410 | 8840 |

***2-МИСОЛ.*** *Корхона асосий фаолият тури – лизинг соҳасида хизматлар кўрсатиш бўйича Президентнинг «Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарорига асосан (2006 йил 17 апрелдаги ПҚ-325-сон) фойда солиғини тўлашдан озод қилинган (имтиёз – вақтинчалик, бўшаётган маблағлардан мақсадли фойдаланиш шартисиз).*

*Вақтинчалик солиқ имтиёзи 013-«Вақтинчалик солиқ имтиёзлари – фойда солиғи» балансдан ташқари ҳисобварағида ҳисобга олинади:*

| *N* | *Хўжалик операциясининг мазмуни* | *21-сон БҲМС бўйича ҳисобварақлар корреспонденцияси* | |
|---|---|---|---|
| | | *дебет* | *кредит* |
| 1 | Имтиёзни қўллаш натижасида бўшаган маблағлар суммаси акс эттирилади | 013 | |
| 2 | Имтиёзни қўллаш натижасида бўшаган маблағлар суммаси имтиёзли давр тугагач ҳисобдан чиқарилади | | 013 |

**2.** Юридик шахсларнинг дивидендлар ва фоизлар кўринишидаги даромадлардан олинадиган фойда солиғи ҳисоб-китоби Фойда солиғи ҳисоб-китобига илова ҳисобланади ва ДСИга дивидендлар тўланган ҳисобот даври – чорак тугаганидан кейин 25 кундан кечиктирмай тақдим этилади *(Солиқ кодекси 165-моддаси тўртинчи қисмининг 2-банди)*. Бунда шуни назарда тутиш лозимки, 2008 йил 17 апрелдаги МВнинг ЁТ/04-01-32-14/327 ва ДСҚнинг 16/1-4090-сон Ахборот хабарномасига* мувофиқ Юридик шахсларнинг дивидендлар ва фоизлар кўринишидаги даромадларидан олинадиган фойда солиғи ҳисоб-китоби фақат корхонада мазкур шакл бўйича солиқ мажбуриятлари юзага келган тақдирда тақдим этилади.

* *«Солиқ ва божхона хабарлари» газетасининг 2008 йил 18 апрелдаги 16 (716)-сонида чоп этилган.*

Тушунтиришлар электрон маълумотнома тизими материаллари асосида тайёрланди
NORMA
Ахборот-ҳуқуқий тизими
АМАЛИЙ СОЛИҚ СОЛИШ
Сотиб олиш масалалари бўйича қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилинг:
Тошкент ш.: (99871) 237-07-78, 237-45-29
Гулистон ш.: (3672) 27-58-97
Самарқанд ш.: (3662) 23-23-73
Наманган ш.: (3692) 32-84-26
Фарғона ш.: (3732) 26-78-80
Андижон ш.: (3742) 50-25-96
Қарши ш.: (99875) 227-18-11

*Тушунтиришлар «Norma Ekspert» гуруҳи экспертлари томонидан тайёрланди.*

# ТАСДИҚЛАНМАСА, ДАРОМАД СОЛИҒИ СОЛИНАДИ

**?** ***Ходимларимиз баъзан хизмат сафари бўйича бўнак ҳисоботларини топширaётганда меҳмонхоналарда яшаганлик учун ҳақ тўланганлиги тўғрисидаги квитанцияларни тақдим этмайдилар, чунки хусусий хонадонларда яшайдилар. Ушбу суммалар даромад солиғи ҳисоб-китобида ходимларнинг жами даромадига киритиладими?***

**М.Ишкирейкина,**
**«ҚҚ шаҳарқишлоқлойиҳа» МЧЖ бош бухгалтери.**

– Солиқ кодекси турар жойни ижарага олиш бўйича амалда амалга оширилган тўловлар учун хизмат сафарлари бўйича компенсациялар тўланишини назарда тутади. Тасдиқловчи ҳужжатлар йўқ бўлса, яшаш харажатлари белгиланган меъёрлар чегарасида қопланади.

Меъёрлар фақат республика доирасидаги хизмат сафарлари бўйича назарда тутилган. Улар ҳар бир сутка учун белгиланган энг кам иш ҳақининг 2%ини ташкил қилади (*Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги хизмат сафарлари тўғрисида йўриқноманинг 12-банди, МВ ва МАИМҚВнинг АВ томонидан 2003 йил 29 августда 1268-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган*). **Меъёр доирасидаги** қоплаш суммаси жисмоний шахснинг даромади сифатида қаралмайди ва унга жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи солинмайди (*СК 171-моддаси иккинчи қисмининг 7-банди*). Меъёрдан ортиқча сумма жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи солинадиган, бироқ ягона ижтимоий тўлов ва мажбурий суғурта бадаллари солинадиган объект ҳисобланмайдиган моддий наф тарзидаги даромад ҳисобланади (*СКнинг 177-моддаси*).

Ўзбекистон Республикасидан ташқарига қилинган хизмат сафарларида яшашга (турар жойни ижарага олишга) оид харажатлар **фақат тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлганидагина қопланади** (*Вазирликлар, идоралар, корхона ва ташкилотлар ходимларининг Ўзбекистон Республикасидан ташқарига хизмат сафарига юборилганда хизмат сафарлари харажатларига маблағлар бериш тартибининг 3.1-банди, АВ томонидан 2000 йил 5 июнда 932-сон билан рўйхатдан ўтказилган*). Бинобарин, яшашга оид харажатлар ҳужжатлар билан тасдиқланмаса, ходимга тўловнинг барча суммаси унинг моддий наф тарзидаги даромади сифатида қаралади ва белгиланган тартибда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи солинади. Ижтимоий суғуртага оид мажбурий ажратмалар мазкур тўловларга ҳисоблаб ёзилмайди.



# СУВ ОСТИДА ИШЛАЙДИГАНЛАР УЧУН

**?** ***Корхонамиз Ўзбекистон гидроиншоотларида сув ости техник ишлари билан шуғулланади. Даромад солиғини ҳисоблаётганда ғаввослар учун имтиёзлар мавжудми? Пенсияга чиқаётганда улар учун қандай имтиёзлар (ёш, сув остидаги соатлар сони ва бошқа) белгиланган?***

**Корхона бош бухгалтери.**

– Ғаввосларнинг даромадларига солиқ солиш Солиқ кодексининг 179-181-моддаларида назарда тутилган имтиёзларни қўллаган ҳолда умумбелгиланган тартибда амалга оширилади.

Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12 майдаги «Имтиёзли шартларда пенсияга чиқиш ҳуқуқини берувчи ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичлар рўйхатларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 250-сон қарорига кўра (*бундан кейин – 250-сон қарор*) **ғаввослар** ва сув остида, шу жумладан кучли атмосфера босими шароитида иш билан банд бўлган ходимларнинг **иши меҳнат шароити ўта зарарли ва ўта оғир ишларга киритилган** (*2-рўйхат*). Шу муносабат билан Солиқ кодексининг 181-моддасига кўра **аёл ғаввосларнинг даромадларидан олиш даражаси 20 фоиздан ошмаслиги лозим. Эркак ғаввосларга мазкур имтиёз қўлланмайди.**

Ғаввослар учун **пенсияга чиқаётганда** имтиёзлар ҳам назарда тутилган. Улар ва сув остида, шу жумладан кучли атмосфера босими шароитларида бир йилда камида 275 соат (бир ойда 25 соат) иш билан банд бўлган ёки сув остида бўлиш вақти ғаввослик амалиёти бошланганидан бери 2 750 соат ва ундан кўпни ташкил қилган бошқа ходимлар **умумбелгиланган ёшни 10 йилга камайтирган ҳолда** пенсияга чиқиш ҳуқуқига эгалар (*250-сон қарор билан тасдиқланган 2-рўйхатнинг XXIII бўлими*). Имтиёз Меҳнат шароитларини баҳолаш ва меҳнат шароитлари бўйича иш жойларини аттестациялаш услубияти (*Адлия вазирлиги томонидан 1996 йил 28 майда 247-сон билан рўйхатдан ўтказилган*) бўйича белгиланган тартибда иш жойларини аттестациялаш натижалари бўйича қўлланиши керак.

# БАЙРАМ ҚИЛИШ ДАРОМАД ОЛИШГА КИРМАЙДИ

**?** ***Компаниямиз ўз ҳисобидан Наврўз ва республика Мустақиллик куни байрамлари шарафига тадбирлар ўтказади. Уларга компания ходимлари ҳам, унинг меҳмонлари, меҳнат фахрийлари ҳам таклиф қилинади. Компаниянинг байрамларни ўтказишга доир харажатлари жисмоний шахсларнинг солиқ солинадиган даромадлари сифатида қараладими?***

***Компаниямизнинг касаба уюшмаси қўмитаси ходимларга моддий ёрдам кўрсатади. Бундай тўловлар бўйича имтиёзлар мавжудми?***

**С.Салимова,**
**компания бош бухгалтери.**

– **Диний расм-русумлар ва маросимларни, байрам тантаналарини ўтказишга юридик шахслар амалга оширадиган харажатлар,** шунингдек унинг ходимларнинг меҳнат ва дам олиш шароитларини таъминлаш билан боғлиқ ҳамда муайян жисмоний шахсларнинг даромади ҳисобланмайдиган бошқа харажатлари **жисмоний шахсларнинг солиқ солинадиган даромади сифатида қаралмайди.**

Касаба уюшмаси қўмитаси томонидан амалга ошириладиган тўловлар, шу жумладан аъзолик бадаллари ҳисобидан касаба уюшмаси аъзоларига бериладиган **моддий ёрдам** ҳам, бундан касаба уюшмаси қўмитасининг ходимларига меҳнат вазифаларини бажарганлик учун бериладиган пул мукофотлари ва бошқа тўловлар мустасно, **солиқ солинадиган даромад сифатида қаралмайди** (*Солиқ кодекси 171-моддаси иккинчи қисмининг 2-банди*).

# ИЖАРА ШЖБПҲни ТЎЛДИРМАЙДИ

**?** ***«J-United Group» МЧЖ (савдо ташкилоти) бизнинг ходимимиз ҳисобланмайдиган жисмоний шахсдан омборхонани ижарага олган.***

***Солиқ кодексининг 184-моддасига кўра жисмоний шахсларнинг мол-мулкни юридик шахсга ижарага беришдан оладиган даромадларидан солиқ тўлов манбаида ушлаб қолиниши керак. Ушбу муносабат билан бир қатор масалаларни тушунтириб берсангиз:***

***1. Бундай ҳолда ижара ҳақидан жисмоний шахслардан олинадиган солиқ ушлаб қолинаётганда ижарага берувчининг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига (ШЖБПҲга) 1%ни ўтказиш зарурми?***

***2. Агар ижара ҳақи ижарага берувчига бир неча ой учун олдиндан ҳақ тўлаш кўринишида ўтказилса, даромад солиғини қандай ушлаб қолиш керак: бутун ўтказилган суммаданми ёки мазкур ҳақ тўланиши тааллуқли бўлган давр бошланишига қарабми? Агар уни бутун ўтказилган олдиндан тўланган ҳақдан ушлаб қолиш зарур бўлса, солиққа тузатишлар қандай киритилади, зеро амалиётда кўпинча тарафлар бирор-бир сабабларга кўра ўз шартнома мажбуриятларини муддатидан аввал бекор қиладиган вазиятлар юзага келади?***

**Ҳурмат билан П.Куликова.**

– **1.** Иш берувчилар томонидан фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган ҳисобварақларига мажбурий бадалларни қўшиш ва тўлаш тартиби тўғрисида низомга мувофиқ (*МВ, ДСҚ ва МБ бошқарувининг АВ томонидан 2005 йил 6 октябрда 1515-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган*), меҳнат фаолиятини меҳнат шартномалари бўйича амалга ошираётган фуқаролар (улар жумласига ишловчи пенсионерлар, ўриндошлар ҳам киради), шунингдек фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар бўйича ишларни бажарадиган фуқаролар, агар ушбу ходимлардан қонунга мувофиқ жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ушланса, жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олувчилар сифатида жамғариб бориладиган пенсия тизимининг мажбурий иштирокчилари ҳисобланадилар. **Жисмоний шахс мол-мулкини ижарага бериш шартномалари меҳнат шартномалари ҳисобланмаслиги** ва ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғланмаганлиги боис **ушлаб қолинган солиқ суммаларидан ШЖБПҲга ажратмалар қилинмайди.**

Ижарага берувчи – жисмоний шахсга даромадлар тўлайдиган юридик шахс солиқ даври тугаганидан кейин ўттиз кун мобайнида давлат солиқ хизмати органларига даромад олган жисмоний шахслар тўғрисида маълумотнома тақдим этиши шарт, уларни асосий иш жойида олганлар бундан мустасно (бундай ҳолларда солиқ ходимнинг жами даромадидан ушлаб қолинади). Белгиланган шаклдаги маълумотномада қуйидагилар акс эттирилади:

солиқ тўловчи жисмоний шахснинг (ижарага берувчининг) идентификация рақами;

унинг фамилияси, исми, отасининг исми, доимий яшаш жойи;

ўтган солиқ даври якунлари бўйича даромадларнинг умумий суммаси ва жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг ушлаб қолинган умумий суммаси;

солиқ агентининг идентификация рақами;

солиқ агентининг номи, жойлашган жойи (почта манзили).

Ижарага берувчининг даромадлари тўғрисидаги ахборот солиқ органларига ҳар чоракда тақдим этиладиган, ҳисоблаб ёзилган ва амалда тўланган даромадлар ҳамда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг ушлаб қолинган суммалари тўғрисидаги маълумотларда акс эттирилади.



**2.** Солиқ кодексининг 186-моддасига кўра жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини ҳисоблаб чиқариш ва ушлаб қолиш даромад ҳисобланишига қараб, йил бошидан ортиб борувчи якун бўйича ҳар ойда солиқ агенти томонидан амалга оширилади. СКнинг 188-моддасида белгиланишича, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бюджетга пул маблағларини олиш учун хизмат кўрсатувчи банкка ҳужжатларни тақдим этиш билан бир вақтда тўланади.

Сизнинг ҳолатингизда жисмоний шахс билан ҳисоб-китоб пул ўтказиш орқали амалга оширилади, бинобарин **солиқ тўлаш муддати бўлиб ижарага берувчига ижара ҳақи суммасини ўтказиш санаси ҳисобланади, бунда унинг қайси давр учун тўланиши аҳамиятга эга эмас.**

Шартнома муддатидан аввал бекор қилинганида ижарага берувчи унга ортиқча тўланган ижара ҳақи суммасини қайтариб бериши керак (у билан тўғри ҳисоб-китоб қилинганида ушбу сумма ундан жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи чегирилган ҳолда ижара ҳақига тенг). Ижарачи корхона ҳисобот йили доирасида ушбу солиқ бўйича бюджет билан ҳисоб-китобларга тузатишлар киритиши мумкин, чунки улар ўсиб борувчи якун билан тақдим этилади.

*Газетхонларнинг саволларига Эчил ҒАНИЕВ жавоб берди.*

## Техно

### ДАВЛАТ ДУМАСИ КЎЧИРМА НУСХАЛАР ҲИМОЯЧИСИ

**Россия Давлат думаси РФ ҳукумати томонидан таклиф қилинган «Алоҳида фаолият турларини лицензиялаш тўғрисида»ги қонунга тузатишларни қабул қилди, уларда компьютер дастурлари, электрон маълумотлар базаси ва исталган турдаги ташувчиларда фонограммалардан нусха кўпайтиришни лицензиялашни жорий қилиш назарда тутилган.**

Бу «мультимедия маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва тарқатиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликларга қарши туриш мақсадида» амалга оширилган. Федерал қонун ёки шартнома кучига эга бундай муаллифлик ва турдош ҳуқуқлар объектларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга шахслар бундан мустасно.

Лицензияланадиган янги объектлар тўғрисидаги қонунни қабул қилишдан мақсад дастурлар ва маълумотлар базаси ёзилган дисклардан нусхаларни ноқонуний равишда тайёрлашга чек қўйиш эди. Унда дастурли дискларни тайёрлашга лицензия олишлари шарт бўлмаган ҳуқуқ эгаларининг манфаатлари, шунингдек тадбиркорлар эмас, балки мазкур қонун таъсири доирасига тушмайдиган оддий фуқароларнинг манфаатлари ҳам тўлиқ ҳисобга олинган. Лицензияларни ҳуқуқ эгалари ҳисобланмайдиган, фақат дастурлар ва маълумотлар базаси ёзилган дискларга штамп босадиган заводларгина олишлари шарт. Қонуннинг қабул қилиниши – интеллектуал мулк ҳуқуқларини ҳимоя қилишни кучайтириш йўлида яна бир қадам бўлди.

### СОЛИҚ ҚЎМАГИ

**Россия Федерал солиқ хизмати бош илмий-тадқиқот ҳисоблаш марказининг сайтида янги тизим – «Солиқ қўмаги» ишга тушди. Ишлаб чиқувчиларнинг сўзларига қараганда, янги ресурс бухгалтерларнинг кундалик ишини анча осонлаштиради.**

Бухгалтерлар сайтда рўйхатдан ўтиб, ҳар қандай юридик шахснинг рўйхатдан ўтказилган маълумотлари жорий ҳолати ҳақида ахборот олишлари, бу маълумотлардаги ўзгаришларни кузатишлари, жисмоний шахсларнинг тижорий фаолиятда иштирок этиш имкониятларини текширишлари, назарда тутилаётган контрагентлар қаторидан «бир кунлик» фирмаларни аниқлаб олишлари мумкин.

Янги ресурс 4 сервисдан иборат: корхона бўйича маълумотнома, контрагент мониторинги, Ф.И.О. бўйича сўров ва техник тўловлар.

### ҲУҚУҚНИ ҲИМОЯЛОВЧИ ПОРТАЛ

**Ҳуқуқни ҳимояловчи ахборий интернет-портал «Электрон Россия» федерал мақсадли дастури доирасида тузилади.** У «ягона дарча» тамойили бўйича амал қилади ва ИИВ, ФХХ, ФВВ, Адлия вазирлиги, ФБХ, Бош прокуратура, ФСХ, Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий ривожланиш вазирлиги ҳамда Россия молия мониторинги маълумотларини ўз ичига олади.

Ҳозирги пайтда ҳуқуқни ҳимояловчи сайт **http://www.112.ru/.** манзили бўйича тест режимида ишлаяпти. Ундан йўқолган болалар, қидирувда бўлган шахслар ҳақида маълумотларни, шунингдек ҳуқуқни ҳимояловчи органлар координаталарини топиш мумкин. Порталнинг ишга тушириш ҳақидаги ҳужжат лойиҳаси барча идоралар билан келишилиб, ҳукуматга киритилди. Янги порталнинг Америкадаги шунга ўхшаш – «911» хизмати сайтидек таниқли бўлиши кутилмоқда.

***Хорижий матбуот материалларидан.***

# ЛАВОЗИМ ЙЎРИҚНОМАСИ АСОССИЗ ДАЪВОЛАРГА ҚАРШИ

***Меҳнат кодексининг 176-моддасига кўра ходимнинг меҳнат вазифалари ички тартиб қоидаларида, интизом тўғрисидаги устав ва низомларда, корхонада қабул қилинадиган локал ҳужжатларда, меҳнат шартномасида, шу жумладан мансаб йўриқномаларида аниқ белгилаб қўйилади.***

***Компания, айниқса йирик компания учун мансаб йўриқномалари – катта ва оғриқли мавзу. Бир томондан – ҳамма уларнинг зарур ва фойдали эканлигини англайди. Бошқа томондан – кўпинча раҳбарият уларнинг амалий жиҳатдан даркорлигини эътибордан соқит қилади. Баъзи раҳбарлар умуман уларни ишлаб чиқишни назар-писанд қилишмайди ёки тузилган мансаб йўриқномалари узоқ вақт кўрилмасдан ва тасдиқланмасдан ётади ёхуд кўпинча совет давридан қолган, қайта кўриб чиқишни қатъият билан талаб қиладиган эски йўриқномалардан фойдаланилади. Мансаб йўриқномалари нима учун керак ва улар қандай «ишлайди»?***

### УЛАР НИМА УЧУН КЕРАК?

Албатта, ходим меҳнат шартларини шакллантиришда меҳнат шартномаси белгиловчи роль ўйнайди. Бироқ хизмат вазифалари тўғрисида унинг матнидан тўлиқ тасаввур олиш анча мушкул. Шу боис ходим билан иш берувчи ўртасида тез-тез тушунмовчилик вужудга келиб, у баъзан очиқдан-очиқ ихтилофга, гоҳо суд муҳокамасига олиб келади. Мансаб йўриқномаси айни хизмат вазифалари борасидаги барча эҳтимолий ихтилофларни бартараф этиши ва ходимнинг функцияларини имкони борича аниқлаштириши керак бўлган ҳужжат ҳисобланади.

Тўғри тузилган мансаб йўриқномаси ходимнинг меҳнат вазифалари тўғрисида аниқ тасаввур беради ва юзага келадиган меҳнат низоларини ҳал қилишда ёрдам беради.

*Раҳбарлар ҳам, уларнинг ходимлари ҳам мансаб йўриқномалари имкониятларини камайтириб баҳолашга ёхуд бўрттириб юборишга мойил бўладилар. Биринчи ҳолда улар бошлиқларнинг обрў-эътибори ходимларни бошқариш учун етарли деб ҳисоблайдилар. Иккинчи ҳолда мансаб йўриқномаси ходим раҳбариятнинг эътибор доирасидан четга чиққан вақтда бошлиқларнинг ана шу обрў-эътибори ўрнини босиши мумкин деб ҳисоблашади. Иккала янглиш фикр ҳам йирик ташкилотни бошқаришда мансаб йўриқномасининг ролини тушунмаслик билан боғлиқ.*

### УЛАР ҚАНДАЙ «ИШЛАЙДИ»?

Мансаб йўриқномаларининг биринчи ва асосий вазифаси – масъулиятлилик ва ваколатлилик соҳасини белгилаш. Ҳужжат ходим вазифаларининг тўлиқ тавсифини ўз ичига олиши, бу билан уларга нималар кириши ва кирмаслиги тўғрисидаги нотўғри тасаввурни истисно этиши керак. Бу ҳол янги ходимни танлаш чоғида унга иш берувчининг талабларини аввалдан билиш имкониятини беради.

Йўриқноманинг иккинчи вазифаси – янги ходимнинг шароитга мослашишини енгиллаштириш. Агар унда ходим нима қилиши, қандай доирада ва нима учун жавоб бериши, ким унинг бевосита раҳбари эканлиги ва унинг нималарга ҳуқуқи борлиги ва нималарга ҳуқуқи йўқлиги аниқ-равшан ёзилган бўлса – ишга ва жамоага киришиб кетиш жараёни анча енгил кечади. Хавфсирайдиган пассивлик ҳам, кераксиз ташаббускорлик ҳам анча кам бўлади.

Мансаб йўриқномасининг учинчи вазифаси – ходимга ўзини ўзи бошқариш ва ўз фаолиятини ўзи назорат қилиш имкониятини тақдим этиш.

### УЛАРНИ БИЗНЕСНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ҚАНДАЙ БОСҚИЧИДА ТУЗИШ КЕРАК?

Мансаб йўриқномалари бизнес ривожланишининг янги босқичи бошланганлиги учун эмас, балки уларга зарурат юзага келганлиги учун тузилади. Кичик бизнесни ривожлантириш босқичида, ҳали жамоа шаклланмаган паллада, одатда, бир неча ходим барча ишни бажаради. Бунда йўриқномаларнинг керак бўлиши гумон. Кўпинча бизнес гуллаб-яшнаган ва катта штатдаги ходимларнинг вазифаларини аниқ чегаралашга зарурат туғилганда уларга эҳтиёж вужудга келади, чунки меҳнат жамоасидаги ҳар қандай ихтилофли вазиятлар бутун фирма фаолиятига тўсиқ бўлиши мумкин. Чунончи, бухгалтер ва дизайнер вазифалари ўртасидаги чегара тамомила тушунарли. Бироқ корхонада бир нечта бухгалтер ишласа, уларнинг функцияларини аниқ чегаралаб қўйишга тўғри келади.

### УЛАР ХОДИМЛАРНИНГ БАРЧА ТОИФАЛАРИ УЧУН ЗАРУРМИ?

Амалдаги қонун ҳужжатлари ҳеч кимни мансаб йўриқномаларини тузишга мажбур қилмайди. Бунинг устига улар учун йўриқнома тасдиқланиши ёки тасдиқланмаслиги мумкин бўлган ходимлар доирасини чегараламайди. Шу боис ҳам бундай ҳужжатлар бир бўлим ёки ходимларнинг муайян тоифаси учун ҳам, бутун штат, шу жумладан корхона директори учун ҳам тузилиши мумкин.

**ЛАВОЗИМ ЙЎРИҚНОМАЛАРИНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ**

*• Ходим имзолаган мансаб йўриқномаси иш берувчига ходимнинг эгаллаб турган лавозимига номувофиқлиги муносабати билан меҳнат шартномасини бекор қилиш имконини беради.*

*• Мансаб йўриқномалари ходимларни аттестациялаш учун асос бўлиб хизмат қилади.*

*• Мансаб йўриқномалари мавжудлигида меҳнат низолари кўпинча судга мурожаат қилмасдан ташкилотнинг ичида ҳал қилинади.*

*• Йўриқномалар ўхшаш лавозимлардаги ходимлар (масалан, моддий бўлим бухгалтери ва бош бухгалтер) ўртасида вазифаларни тенг маромли тақсимлаш, уларни такрорлашга йўл қўймасликда ёрдам беради.*

*• Йўриқномалар иш берувчига судда вазифаларни бажармаганлик учун интизомий жазо берилиши тўғри қўлланганлигини исботлаш имконини беради.*

**ЛАВОЗИМ ЙЎРИҚНОМАЛАРИНИНГ КАМЧИЛИГИ**

*• Мақбул мансаб йўриқномасини тузишнинг мушкуллиги. Уқувсизлик билан тузилган йўриқнома, у мавжуд бўлмаган ҳолга қараганда, каттароқ муаммоларнинг сабабчиси бўлиши мумкин.*

### ЛАВОЗИМ ЙЎРИҚНОМАЛАРИНИ ТУЗИШНИНГ ЕТТИ ҚОИДАСИ

Мансаб йўриқномаларини тузаётганда ушбу ҳужжатнинг асосий мақсади – ишлар бошланиши олдидан ижрочининг «Нима қилиш керак?» деган саволига ва, агар олинган натижа ўйланган натижага мос тушмаса, раҳбарнинг «Ким айбдор?» деган саволига жавоб бериш эканлигини эътиборда тутиш лозим. **Бу – биринчи қоида.**

**Иккинчи қоида.** Мансаб йўриқномалари муайян кишиларга ёзилади.

**Учинчи қоида.** Мансаб йўриқномаларининг барча бандлари имкони борича аниқ таърифга эга бўлиши керак. Агар «ривожланишга имкон яратиши керак» ёки «...учун барча саъй-ҳаракатлар қилиниши керак» сингари умумий жумлалар қўлланилса, – у мансаб йўриқномаси эмас, балки амалга ошириш мумкин бўлмаган умумий истак-хоҳишлардир. Ушбу банд бўйича бажарилган ишлар натижасини текшириб ҳам бўлмайди.

**Тўртинчи қоида**. Ушбу ҳужжатнинг бандлари имкони борича батафсил бўлиши керак. Агар маркетолог йўриқномасида фақат «компаниянинг маркетинг стратегияси ва тактикасини ишлаб чиқади» деб ёзсангиз, ҳеч нарса айтмаган бўласиз. Ҳаммасини – бозор тадқиқотини ўтказиш; медиарежалар тузиш; реклама тайёрловчи корхоналар билан музокаралар юритиш ва ҳоказоларни батафсил келтиринг.

**Бешинчи қоида**. Мансаб йўриқномасининг бўлим ва бандлари бир-бирига қарама-қарши бўлмаслиги, балки бир-бирини тўлдириши керак. Унда одатда қуйидаги бўлимлар бўлади:

а) умумий қоидалар (ҳужжат, лавозим тавсифи, мансабга ким томонидан тайинланади ва бошқалар);

б) малакага қўйиладиган талаблар (маълумот даражасининг, шунингдек айтилган лавозимга мувофиқ бўлган билимлар, маҳорат ва кўникмаларнинг тавсифи). Агар малака талаблари аҳамиятга эга бўлмаса (масалан, фаррош лавозимига нисбатан) – бандни киритмаслик мумкин;

в) лавозим вазифалари (ходим қилиши керак бўлган барча нарсаларнинг батафсил ва қадамма-қадам тавсифи);

г) меҳнат вазифаларини муваффақиятли бажариш мезонлари (лавозим вазифаларини муваффақиятли бажариш баҳоланадиган мезонлар олдиндан тавсифланади). Ҳар доим ҳам бундай тавсиф келтирилавермайди, бироқ унинг борлиги кейинчалик кўп ёрдам беради;

д) ходимнинг ҳуқуқлари (масалан, иш ҳақини ўз вақтида олиш, компания ресурсларидан лавозим вазифаларини бажариш учун фойдаланиш ва бошқалар);

е) ходим раҳбарининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари (ушбу банд аввалги бандга нисбатан қўшимча ҳисобланади ва мутахассисга раҳбарининг вазифалари ва ваколатларини тушунтиради);

ж) ходимнинг масъулияти (масъулият зонасининг тавсифи).

Натижада анча узун ва батафсил ҳужжат яратилади, бироқ ушбу «тафсилотлар» кейинчалик ходимлар билан ўзаро янгича муносабатлар қуриш имконини беради.

**Олтинчи қоида**. Кўпчилик мансаб йўриқномалари фавқулодда ҳолатларда, масалан, махсус механизм сафдан чиққан пайтда ожиз бўлиб қолади. Ностандарт вазиятга муносабат фақат икки хил бўлиши мумкин: ўзингиз қарор қилишингиз ёки «команда бўйича» етказишингиз мумкин. Агар сиз ходимнинг ўзига қарор қабул қилишни ишониб топширсангиз, унга бундай вазиятларда мустақил равишда қарор қабул қилиш имконини берадиган меъёрни назарда тутиш зарур. Агар ишонмасангиз, мансаб йўриқномасига фавқулодда ҳодиса тўғрисида дарҳол хабар қилиш ва мустақил равишда ҳеч қандай чора кўрмаслик вазифасини киритишдан қочманг.

**Еттинчи қоида**. Йўриқномалар мунтазам равишда қайта кўрилиши ва корхона фаолиятида амалда юз берган ўзгаришларга мувофиқ тартибга келтирилиши керак.

Мансаб йўриқномаси имзоланганидан кейин ходимга унинг нусхасини бериш лозим.

### УСУЛЛАР ҲАҚИДА

Мансаб йўриқномаларини тузишнинг икки усули мавжуд: «юқоридан пастга» – раҳбарият ходимларнинг ҳуқуқ ва вазифаларини қайд этиб беради ёки «пастдан юқорига» – ходимларга буни ўзлари қилиши учун йўл қўйилади.

Биринчи ҳолда маъмурият мустақил равишда ёки мутахассисларни жалб этган ҳолда йўриқнома ишлаб чиқади. Бунда ташкил этиш ва ходимларни бошқаришнинг камчиликлари юзага чиқиб қолади, уларни кейинчалик тузатса бўлади. Тасдиқланган йўриқнома имзолаш учун ходимларга берилади, улар мазкур ҳолда уни имзолайдилар ёки, агар унга қўшилмасалар, ишдан бўшаш тўғрисида ариза ёзишга мажбур бўладилар. Иккинчи ҳолда ходимлар мустақил равишда мансаб йўриқномаларини тузадилар ва тасдиқлаши учун раҳбариятга берадилар. Раҳбарият уларни тасдиқлайди ёки ўз фикр-мулоҳазалари ва таклифларини қайд этган ҳолда қайта ишлаш учун беради, бунда ушбу жараён узоқ вақтга чўзилиши мумкин.

Йўриқноманинг бўлишидан иккала тараф манфаатдор. Шу боис уни тузиш чоғида энг яхши вариант тарафларнинг ҳамкорлигидир. Рисоладагидек ҳолат – жамоа бўлиб, амалий ишлаш.

Раҳбарият мансаб йўриқномаси ходимнинг вазифаларини тартибга солишинигина ёдда тутиши керак. Уларни бажариш эса – асослаш ишидир. Ходимнинг вазифаларини эса қаттиққўллик билан – ўзининг лавозим вазифаларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда интизомий жазо чорасини қўллаш билан ёки рағбатлантириш орқали – мукофотлар тўлаш, лавозимини ошириш ва тақдирлаш тусидаги бошқа чоралар билан асослаш мумкин. Мансаб йўриқномасининг мавжудлиги эса раҳбарни ҳар гал ходимнинг вазифаларини батафсил кўрсатишдан халос қилади ва топшириқнинг барбод бўлиши ёки лозим даражада бажарилмаганида айбдорни аниқлаш имконини беради.

*Мария ТУХТАРОВА, «Norma» МЧЖ юристи.*

## ХОДИМ УЧУН ҒАМХЎР ИШ БЕРУВЧИ

***Биз яхши мутахассисларни қисқартиришга мажбур бўляпмиз, бироқ уларнинг тақдирига бефарқ эмасмиз. Улар учун нима қилиш мумкин?***

– Штатни қисқартириш муносабати билан ходимларни ишдан бўшатаётганда сиз уларни тилхат олган ҳолда бундан хабардор қилишга, шунингдек уларга икки ойлик иш ҳақи миқдорида ишдан бўшатиш нафақаси тўлашга мажбурсиз (*ЎзР МКнинг 67-моддаси*). Йирик корхоналар қайта таркиблашни ўтказа бориб, ишдан бўшатилаётган ходимларга ёрдам берувчи махсус марказларни ташкил этадилар. Улар билан руҳшунослар суҳбатлашадилар, резюме тузишда, суҳбатга тайёрланишда ёрдам берадилар, уларга бошқа корхоналардаги бўш иш жойлари тўғрисидаги маълумотларни тақдим этадилар.

Кадрлар агентликлари тақдим этадиган пулли маслаҳатлар хизмати – аутплейсмент (ингл. – outplacement)дан фойдаланиш мумкин, у ҳамкор бўлиш, меҳнат бозорида йўл топиш, руҳий мадад ва пировардида ишдан бўшатилган ходимни ишга жойлаштиришни ўз ичига олади.

Албатта, кичик компанияларнинг аутплейсмент сингари бундай марказларга чоғи келмайди, бироқ ғамхўр иш берувчилар ўзларининг собиқ ходимларига худди шундай ёрдамни якка тартибда кўрсатишлари мумкин. Масалан, ишдан бўшатилаётган мутахассисларни бошқа корхоналарнинг раҳбарларига норасмий тарзда тавсия қилишлари мумкин.

***Бизнесда муаммога дуч келдингизми? Ўз саволларингизни normapress@mail.ru манзили бўйича юборинг, биз ҳам ўз тажрибамизга, шунингдек етакчи маслаҳатчиларнинг тажрибаси ва амалиётига таяниб ёрдам беришга ҳаракат қиламиз. Шундай бўлсада, маслаҳатларимизни ҳеч ҳам ҳаракат қилишга бевосита кўрсатма сифатида қараманг – сиз улардан ўз хоҳишингизга кўра фойдаланишингиз (ёки фойдаланмаслигингиз) мумкин. «Норма маслаҳатчи» ушбу рукнда чоп этилган тавсияларга асосланган ҳаракатларингиз учун жавоб бермайди.***

## ИШЛАШ УЧУН ПОЙТАХТГА

***Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги хорижий фирманинг Тошкент шаҳридаги ваколатхонасига ишлаш учун Ўзбекистоннинг бошқа шаҳарларида, масалан, Самарқанд шаҳрида яшовчи фуқароларини қабул қилишга рухсат берадими? Агар бундай ишга жойлашиш учун қандайдир махсус рухсатномалар керак бўлса, айни қандай ҳужжатлар талаб қилинади?***

**А.Бурнаев,**
**хорижий фирманинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси бош бухгалтери.**

– Амалдаги қонунчилик хорижий фирмаларнинг ваколатхоналарига бошқа шаҳарда яшаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ишга қабул қилишни тақиқламайди. Бироқ Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини амалга ошириш тартиби тўғрисида йўриқноманинг (*ИИВнинг 1999 йил 9 апрелдаги 698-сон буйруғига 1-илова, бундан кейин – Йўриқнома*) 10-бандига кўра паспорт тизими қоидаларига риоя этилишини таъминлаш учун масъул шахслар бўлиб, шу жумладан, ташкилотларнинг раҳбарлари ҳам ҳисобланади. Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномасига эга бўлган, фуқаролиги бўлмаган шахсларни доимий рўйхатдан ўтказиш, бундан Тошкент шаҳрида доимий яшовчи шахслар мустасно, **Тошкент шаҳри ҳокимлиги ҳузуридаги Рўйхатдан ўтказиш масалалари бўйича махсус комиссиянинг асосли хулосаси асосида амалга оширилади**, узоқ муддатли хизмат сафарида, ўқишда бўлган, шунингдек илгари Тошкент шаҳрида яшаган, рўйхатдан ўтказилиши ҳокимликлар комиссиялари билан келишмасдан амалга ошириладиган, озодликдан маҳрум қилиш жойларидан озод қилинган шахслар бундан мустасно (*46-банд*).

Ушбу Йўриқномага мувофиқ бошқа шаҳарга борган шахс келган кунидан бошлаб у ерда 3 кун ичида рўйхатдан ўтиши шарт (*47-банд*). Ишга жойлашиш учун вақтинча рўйхатдан ўтиш етарлидир.

Маълумот учун, Йўриқноманинг 50-банди Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг чегара зонасида[1] ва давлат хавфсизлигини таъминлаш учун зарур бўлган алоҳида режимли жойларда яшаш жойини танлашга чеклашлар белгилайди. Бундай чеклаш амал қиладиган жойларда рўйхатдан ўтиш рухсат этилмаган шахсларнинг бу ерларда жойлашган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга ишга қабул қилинишлари мумкин эмас ва улар мазкур жойни 7 кун мобайнида тарк этишлари керак. Чиқиб кетишдан бўйин товланган тақдирда эса улар ички ишлар органлари томонидан қонун билан белгиланган тартибда чиқариб юбориладилар.

Фуқароларнинг келиш вақти ва жойи бўйича вақтинча ҳамда доимий рўйхатдан ўтказиш масалаларига Йўриқноманинг 37-45-моддалари ҳам бағишланган.

*[1]ИИВ ва Давлат чегарасини қўриқлаш қўмитасининг «Улар доирасида чегара зонаси белгиланган Ўзбекистон Республикаси ҳудудининг туманлари, шаҳарлари, қўрғонлари, қишлоқ кенгашлари, темир йўл станциялари, аэропортлари ва маъмурий-ҳудудий бўлинмаларининг рўйхатини эълон қилиш тўғрисида» қарори (АВ томонидан 2001 йил 16 ноябрда 1084-сон билан рўйхатдан ўтказилган).*

# ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ:

- **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ:**

– «Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида».

- **ИДОРАВИЙ-МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАР:**

– ЎзР ДСҚ, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг «Суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлиги учун суғурталовчиларга жарима санкцияларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори;

– ЎзР МАИМҚВ, МВнинг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 21 июлдаги ПФ-4014-сонли «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар микдорини ошириш тўғрисида»ги Фармони бўйича пенсияларни қайта ҳисоблаш тартиби ҳақидаги йўриқномани тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори;

– ЎзР Давлат статистика қўмитасининг «2008 йил учун давлат статистика ҳисоботи шаклларини тасдиқлаш тўғрисидаги қарорга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори;

– ЎзР ТИАИСВ, МВ, ДБҚнинг «Экспорт-импорт юкларини расмийлаштиришда божхона органларига тақдим этиладиган ҳужжатлар рўйхатига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори.

- **МЕЪЁРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2008 ЙИЛ 12 ИЮЛДАН 8 АВГУСТГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ.**

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ*

## ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗАГА МУҲТОЖ ВА ИШ ТОПИШДА ҚИЙНАЛАЁТГАН ШАХСЛАРНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ УЧУН ИШ ЎРИНЛАРИНИ БАНД ҚИЛИБ ҚЎЙИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2008 йил, 34-сон, 333-модда)*

«Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги (янги таҳрири) Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 25-моддасига мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳоли бандлигини ошириш ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 6 апрелдаги ПҚ–616-сон қарорини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартиришлар киритилсин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С.Азимов зиммасига юклансин.

***Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири***
***Ш.МИРЗИЁЕВ.***

*Тошкент ш.,*
*2008 йил 20 август*
*186-сон.*

*Вазирлар Маҳкамасининг*
*2008 йил 20 августдаги 186-сон қарорига*
*1-ИЛОВА*

## ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗАГА МУҲТОЖ ВА ИШ ТОПИШДА ҚИЙНАЛАЁТГАН ШАХСЛАРНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ УЧУН ИШ ЎРИНЛАРИНИ БАНД ҚИЛИБ ҚЎЙИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ

### I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ушбу Низом «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги (янги таҳрири) Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 25-моддасига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳоли бандлигини ошириш ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 6 апрелдаги ПҚ–616-сон қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган ҳамда ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланади:

**иш ўринларини банд қилиб қўйиш** — ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун ўз маблағлари ҳисобига ташкил этилган иш ўринларини ташкилот (иш берувчи) томонидан ажратиш;

**банд қилиб қўйилган иш ўринлари** — ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун ташкилот ходимларининг рўйхат бўйича ўртача сонига нисбатан фоизлар ҳисобидаги иш ўринларининг энг кам сони.

3. Аҳоли бандлигига кўмаклашиш мақсадида корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга (кейинги ўринларда ташкилот деб аталади) ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахслар учун иш ўринларининг энг кам сони белгиланади (банд қилиб қўйилади).

Ушбу тоифага қуйидагилар киради:

ёлғиз ота, ёлғиз она ҳамда 14 ёшгача ва ногирон бо-

лалари бор кўп болали ота-оналар;

таълим муассасаларини тугатган ёшлар;

муддатли ҳарбий хизматдан бўшатилган шахслар;

ногиронлар;

бандликка кўмаклашиш туман (шаҳар) марказларида иш қидирувчи сифатида ҳисобда турган пенсия ёшига яқинлашиб қолган шахслар;

жазони ўташ муассасаларидан бўшатилган, жазони ўтаётган ёки суд қарорига кўра тиббий характердаги мажбурий чоралар кўрилган шахслар.

Меҳнат бозорида вужудга келган вазиятни ҳисобга олган ҳолда маҳаллий давлат ҳокимияти органи томонидан Бандликка кўмаклашиш туман (шаҳар) маркази тавсиясига кўра иш ўринлари ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган фуқароларнинг бошқа тоифалари учун ҳам, шу жумладан сафарбарлик чақируви захирасига киритилган шахслар, кичик ёшли болалари бўлган ишламаётган аёллар, атрофдагилар учун хавфли бўлмаган ижтимоий аҳамиятли касалликлар билан оғриётган шахслар учун ҳам банд қилиб қўйилиши мумкин.

## II. ИШ ЎРИНЛАРИНИ БАНД ҚИЛИБ ҚЎЙИШ ШАРТЛАРИ ВА ТАРТИБИ

4. Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахслар учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан амалга оширилади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ушбу Низомнинг 3-бандида кўрсатилганлар учун банд қилиб қўйилаётган иш ўринлари сони иш топишда қийналаётганлар сонининг ўзгаришига қараб қайта кўриб чиқилади.

5. Ушбу Низомнинг 3-бандида кўрсатилган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш ходимларининг рўйхат бўйича ўртача сони йигирма нафардан кўпни ташкил этадиган ташкилотлар учун белгиланади.

Бунда ногиронларни ишга жойлаштириш учун ходимлар сонининг камида 3 фоизи миқдорида иш ўринларининг энг кам сони белгиланади ва банд қилиб қўйилади.

Банд қилиб қўйилаётган иш ўринларининг жами миқдори маҳаллий давлат ҳокимияти органи қарорига мувофиқ ташкилот ходимлари рўйхат бўйича ўртача сонининг 7 фоизидан ортиқ миқдорда белгиланиши мумкин эмас.

Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахслар учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тўғрисидаги таклифлар туман (шаҳар) бандликка кўмаклашиш маркази томонидан шакллантирилади ва туман (шаҳар) ҳудудида жойлашган ташкилотлар бўйича алоҳида тегишли қарор қабул қилиш учун маҳаллий давлат ҳокимияти органига киритилади.

Аниқ ташкилот учун иш ўринларини банд қилиш бўйича таклифлар киритишда бандликка кўмаклашиш туман (шаҳар) марказлари томонидан ташкилотдаги ишларнинг касб бўйича таркиби ва ташкилот фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари мажбурий тартибда ҳисобга олиниши керак.

Ногиронлар учун иш ўринларини банд қилиш миқдорини белгилаш тўғрисида таклифлар киритишда ногиронларни реабилитация қилиш дастурлари параметрлари ҳисобга олинади.

Банд қилиниши керак бўлган иш ўринлари сонини ва уларга қўйиладиган талабларни белгилаш учун маҳаллий давлат ҳокимияти органи томонидан туман (шаҳар) ҳокимининг ўринбосари бошчилик қиладиган махсус комиссия тузилади.

Календарь йили бошлангунгача уч ойдан кечикмай ташкилотларга етказиладиган маҳаллий давлат ҳокимияти органи қарорида (ушбу Низомга 1-илова) ушбу Низомнинг 3-бандида кўрсатилган шахсларни, ишга жойлаштириш учун уларнинг имкониятларини ҳисобга олган ҳолда, ушбу ҳудудда жойлашган ташкилотлар бўйича алоҳида банд қилиб қўйиладиган иш ўринлари сони, банд қилиб қўйиладиган иш ўринларига талаблар, тақдирлаш чора-тадбирлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органининг иш ўринларини банд қилиб қўйиш тўғрисидаги қарорлари бажарилмаган тақдирда ташкилотнинг мансабдор шахсларга нисбатан қўлланиладиган санкциялар кўрсатилади.

6. Ушбу Низомнинг 3-бандида кўрсатилган шахслар учун шахсларнинг мазкур тоифаларига, шу жумладан қуйидагилар учун қўйиладиган характерли талабларга мувофиқ бўлган меҳнат шароитларини таъминлайдиган иш ўрни ташкил этилган иш ўрни ҳисобланади:

ёлғиз ота, ёлғиз она ва 14 ёшгача бўлган ногирон болалари бор кўп болали ота-оналар учун — болаларни тарбиялаш ва меҳнат мажбуриятлари бўйича вазифаларни уйғунлаштириш имконини берадиган, ўзгарувчан иш жадвалига эга бўлган иш ўринлари;

таълим муассасаларини тугатган ёшлар учун — уларнинг касб бўйича тайёргарлигига мувофиқ бўлган иш ўринлари;

муддатли ҳарбий хизматдан бўшатилган шахслар учун — уларнинг касб бўйича тайёргарлигига мувофиқ бўлган иш ўринлари;

ногиронлар учун — меҳнат шароитлари бўйича аттестациядан ўтказилган ҳамда ходимга иш жараёнларини тўсқинликсиз бажариш имконини (соғлиғининг аҳволи ва меҳнат фаолиятига нисбатан белгиланган зид кўрсаткичлар ҳисобга олинган ҳолда) берадиган иш ўринлари;

бандликка кўмаклашиш туман (шаҳар) марказларида иш қидирувчи сифатида ҳисобда турган пенсия ёшига яқинлашиб қолган шахслар учун — махсус малакани талаб қилмайдиган иш ўринлари;

жазони ўташ муассасаларидан бўшатилган, жазони ўтаётган ёки суд қарорига кўра тиббий характердаги мажбурий чоралар кўрилган шахслар учун — уларнинг касб бўйича тайёргарлиги ҳисобга олинган ҳолдаги иш ўринлари, муайян касб-ҳунарга, малакага эга бўлмаган шахслар учун эса — махсус малакани талаб қилмайдиган иш ўринлари.

7. Ушбу Низомнинг 3-бандида кўрсатилган шахслар ишга жойлаштириб бўлинган иш ўринлари кейинги давр учун банд қилиб қўйиладиган иш ўринлари сонини белгилашда ҳисобга олинади.

8. Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахслар учун банд қилиб қўйилган иш ўринларига ишга жойлаштириш ташкилот томонидан Бандликка кўмаклашиш туман (шаҳар) маркази йўлланмаси бўйича ёки мустақил равишда амалга оширилади.

9. Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштиришга ногиронлар жамоатчилик бирлашмалари, жазони ўташ муассасаларидан озод қилинган шахсларни ижтимоий мослаштириш марказлари, кўрсатиб ўтилган шахслар манфаатларини ифодаловчи бошқа ташкилотлар ҳам уларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ишга жойлаштиришни таъминлайдиган Бандликка кўмаклашиш туман (шаҳар) марказларига юбориш йўли билан кўмаклашиши мумкин.

Шу билан бирга, ушбу банднинг биринчи хатбошида кўрсатилган ташкилотлар Бандликка кўмаклашиш туман (шаҳар) марказига аниқ ташкилотларга ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахслар учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тўғрисида таклифлар киритиш, шунингдек бандликка кўмаклашиш туман (шаҳар) марказларидан ҳар бир ташкилот бўйича ташкил этилган, шунингдек банд қилиб қўйилган бўш (вакант) иш ўринлари сони ва характери тўғрисидаги маълумотларни олиш ҳуқуқига эга.

10. Маҳаллий давлат органи томонидан белгиланган ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш қидиришда қийналаётган шахслар учун иш ўринларининг энг кам сонига мувофиқ ташкил этилган (банд қилиб қўйилган ёки ажратилган) энг кам иш ўринлари сонини қисқартиришга ёки тугатишга фақат касаба уюшмалари қўмиталари ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органлари, бандликка кўмаклашиш туман (шаҳар) марказлари билан келишган ҳолда йўл қўйилади ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органи

қарори асосида амалга оширилади.

11. Технологияни, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сонининг ўзгаришига олиб келган иш ҳажмларининг қисқариши билан боғлиқ тадбирларни амалга оширишда ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш қидиришда қийналаётган шахслар учун банд қилиб қўйилган иш ўринларининг белгиланган сони ҳисобига ишга жойлаштирилган шахсларда иш ўринлари, агар ушбу шахслар сони маҳаллий давлат ҳокимияти органи томонидан белгиланган миқдордан ошмаса, устувор тартибда сақланиб қолади.

12. Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш қидиришда қийналаётган шахслар учун банд қилиб қўйилган иш ўрни илгари ушбу иш ўрнини эгаллаб келган шахс билан тузилган меҳнат шартномасининг тўхтатилиши муносабати билан бўшаб қолган тақдирда ташкилот ўн кун муддатда Бандликка кўмаклашиш туман (шаҳар) марказини янгидан очилган бўш иш ўрни тўғрисида маълум қилиши шарт.

13. Ташкилот ушбу Низомнинг 3-бандида кўрсатилган шахсларни маҳаллий давлат ҳокимияти органи томонидан ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш қидиришда қийналаётган шахслар учун банд қилиб қўйилган иш ўринлари белгиланган сони ҳисобига ишга жойлаштириши шарт.

Ташкилот, мазкур шахслар ушбу Низомнинг 3-бандида кўрсатилган тоифага мансуб бўлса, меҳнат органлари йўлланмаси бўйича банд қилиб қўйилган иш ўрнига ишга жойлаштиришни рад қилган тақдирда ташкилот раҳбари (иш берувчи) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда маъмурий жавобгар бўлади.

14. Ташкилот йил бошлангунгача 10 кундан кечикмай ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш қидиришда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш қидиришда қийналаётган шахслар учун банд қилиб қўйилган иш ўринлари умумий сонининг камида 25 (йигирма беш) фоизи ҳажмида иш ўринлари банд қилиб қўйилишини ва тайёр бўлишини таъминлайди, бу тўғрида Бандликка кўмаклашиш туман (шаҳар) марказига йил бошлангунгача ахборот берилади.

Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш қидиришда қийналаётган шахслар учун иш ўринларининг қолган қисмини банд қилиб қўйиш ташкилот (иш берувчи) томонидан календарь йилнинг биринчи чораги мобайнида таъминланади, бу тўғрида Бандликка кўмаклашиш туман (шаҳар) марказига биринчи чорак тугагандан кейин 10 кундан кечикмай ахборот берилади.

Ташкилотлар ҳар чоракда Бандликка кўмаклашиш туман (шаҳар) марказига ушбу Низомнинг 3-бандида кўрсатилган шахсларнинг ишга жойлаштирилиши тўғрисида ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ шакл бўйича ахборот тақдим этадилар.

Банд қилиб қўйилган иш ўринларининг белгиланган сони ҳисобига ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш қидиришда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг тайёрлиги тўғрисидаги ахборотнинг ташкилот томонидан тақдим этилмаганлигига ҳам ва амалда уларнинг тайёр эмаслигига ҳам меҳнат органи маҳаллий давлат ҳокимияти органи қарорининг бажарилмаганлиги сифатида қарайди.

15. Маҳаллий давлат ҳокимияти органининг ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш қидиришда қийналаётган шахслар учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш бўйича қарорини бажармаган ташкилотга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жарима солинади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органининг ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш қидиришда қийналаётган шахслар учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш бўйича қарорини бажармаганлик учун жаримани тўлаганлик ташкилотни банд қилиб қўйиладиган иш ўринларининг белгиланган сонини ташкил этишдан озод қилмайди.

16. Маҳаллий давлат ҳокимияти органининг ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш қидиришда қийналаётган шахслар учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш бўйича қарорини бажармаганлик учун ундирилган жарималар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда асосан аҳолининг ушбу тоифаси учун янги иш ўринлари яратишга, шу жумладан ногиронлар учун ихтисослаштирилган корхоналар ташкил этишга сарфланади.

17. Маҳаллий давлат ҳокимияти органининг ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш қидиришда қийналаётган шахслар учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш бўйича қарорининг бажарилишини назорат қилиш бандликка кўмаклашиш туман (шаҳар) марказлари томонидан амалга оширилади.

18. Бандликка кўмаклашиш туман (шаҳар) марказлари туман (шаҳар) ишчи комиссияларига:

ташкилотлар томонидан иш ўринларининг банд қилиб қўйилиши;

ушбу иш ўринларига мазкур Низомнинг 3-бандида кўрсатилган шахсларнинг ишга жойлаштирилиши;

маҳаллий давлат ҳокимияти органининг иш ўринларини банд қилиб қўйиш бўйича қарорини бажармаган ташкилотларга жарималар солиш тўғрисидаги умумлаштирилган ахборотни юборишади.

19. Ногиронлар учун банд қилиб қўйиладиган иш ўринларининг белгиланган сонидан ортиқча ногиронлар учун иш ўринлари ташкил этган ташкилотлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда имтиёз олиш ҳуқуқига эгадирлар.

20. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ўз ваколатлари доирасида ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш қидиришда қийналаётган шахслар учун белгиланган кўрсаткичдан ортиқча, шу жумладан иш участкалари (цехлар) ташкил этиш учун турар жой бўлмаган биноларни биринчи навбатда ажратиш йўли билан банд қилиб қўйиладиган иш ўринлари ташкил этган ташкилотлар учун имтиёзлар белгилаши мумкин.

21. Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш қидиришда қийналаётган шахслар учун банд қилиб қўйиладиган иш ўринларини туман (шаҳар) ҳокими томонидан белгиланган миқдордан ортиқча ташкил этган ташкилотлар ушбу иш ўринларини ташкил этишга сарфланган маблағларнинг бир қисмини Бандликка кўмаклашиш туман (шаҳар) маркази билан тузилган шартнома асосида Бандликка кўмаклашиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қоплаш ҳуқуқига эгадир.

Бандликка кўмаклашиш жамғармасидан ташкилот (иш берувчи)нинг ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш қидиришда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун банд қилиб қўйиладиган иш ўринларини белгиланганидан кўп миқдорда ташкил этишга харажатларининг бир қисмини қоплашга йўналтириладиган пул маблағлари Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан белгиланган тартибда ажратилади.

*Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тартиби тўғрисидаги низомга*
*1-ИЛОВА*

**_________________ тумани (шаҳри) ҳокимининг**
**ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни**
**ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тўғрисида**
**ҚАРОРИ**

20__ йил «___» ________ -сон

1. «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддасига асосан ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун ____________ тумани (шаҳри) ҳокими ________________________ учун:
(ташкилот номи)

ходимларнинг рўйхат бўйича ўртача сонидан ____ кишини ташкил этадиган ___ фоиз миқдорида, шу жумладан:

ўн тўрт ёшгача болалари ва ногирон болалари бўлган ёлғиз ота, ёлғиз она ва кўп болали ота-оналар учун __ фоиз (__ киши);

таълим муассасаларини тугатган ёшлар учун __ фоиз (__ киши);

муддатли ҳарбий хизматдан бўшатилганлар учун __ фоиз (__ киши);

ногиронлар учун __ фоиз (__ киши);

Бандликка кўмаклашиш туман (шаҳар) марказларида иш қидирувчи сифатида ҳисобда турган пенсия ёшига яқинлашиб қолган шахслар учун __ фоиз (__ киши);

жазони ўташ муассасаларидан озод қилинган, жазони ўтаётган ёки суд қарорига кўра тиббий характердаги мажбурий чоралар кўрилган шахслар учун __ фоиз (__ киши);

ижтимоий муҳофазага муҳтож шахсларнинг бошқа тоифалари учун__ фоиз (__ киши) миқдорида иш ўринлари захирасини белгилайди.

2. Ушбу тоифа шахслар учун иш ўринлари ходимлар томонидан ўзларининг меҳнат мажбуриятларини тўсиқларсиз бажаришини таъминлайдиган санитария-гигиена нормалари ва меҳнат шароитларига мувофиқ бўлиши керак, шу жумладан________________________________
(иш ўринларига нисбатан аниқ талаблар санаб ўтилади)

3. Иш ўринлари банд қилиб қўйиладиган касблар ва лавозимлар:________________________________
(касблар ва лавозимлар санаб ўтилади)

4. Ташкилотлар раҳбарлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 20 августдаги 186-сон қарори билан тасдиқланган Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахслар учун кўрсатилган иш ўринлари ташкил этилишини таъминласинлар.

5. Ушбу қарор бажарилмаган тақдирда ташкилотнинг мансабдор шахсларига Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 15-бандига мувофиқ жарима солинади.

6. Ушбу қарорда белгиланган ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахслар учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш сонидан ортиқча иш ўринлари ташкил этилганда ташкилот учун қуйидаги имтиёзлар белгиланади: ________________________
(имтиёзлар мазмуни кўрсатилади)

7. Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази бир ҳафта муддатда ушбу қарорни 1-бандда кўрсатилган ташкилот раҳбарлари эътиборига етказсин ва ушбу қарорнинг бажарилиши устидан назоратни таъминласин.

__________ тумани (шаҳри) **ҳокими** __________
(имзо)

М.Ў.

*Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тартиби тўғрисидаги низомга*
*2-ИЛОВА*

**Ташкилот номи:**
________________________
________________________

Бандликка кўмаклашувчи туман (шаҳар) марказига тақдим этилади

**Юридик манзили:**
________________________
________________________

Ҳар чоракда ҳисобот давридан кейинги ойнинг 10 санасига қадар

**20__ йилнинг ____чорагида ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тўғрисида**
**АХБОРОТ**

1. Ҳисобот йилида маҳаллий давлат ҳокимияти органининг қарорига мувофиқ назарда тутилган банд қилиб қўйилган иш ўринлари сони ___ иш ўрни, шу жумладан ногиронларни ишга жойлаштириш учун ___ иш ўрни.

2. Банд қилиб қўйилган иш ўринларига ишга жойлаштирилганлар сони:

| *Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахслар тоифалари* | *Ҳисобот даврининг якуний ҳолатига кўра ишлаётганлар (киши)* | *шундан ишга жойлаштирилганлар* | |
|---|---|---|---|
| | | *ҳисобот чоракда* | *йил бошидан* |
| **Жами:** | | | |
| шу жумладан: | | | |
| Ўн тўрт ёшгача болалари ва ногирон болалари бўлган ёлғиз ота, ёлғиз она ва кўп болали ота-оналар | | | |
| Таълим муассасаларини тугатган ёшлар | | | |
| Муддатли ҳарбий хизматдан бўшатилган шахслар | | | |
| Ногиронлар | | | |
| Бандликка кўмаклашувчи туман (шаҳар) марказларида иш қидирувчи сифатида ҳисобда турган пенсия ёшига яқинлашиб қолган шахслар | | | |
| Жазони ўташ муассасаларидан озод қилинган, жазони ўтаётган ёки суд қарорига кўра тиббий характердаги мажбурий чоралар кўрилган шахслар | | | |
| Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларнинг бошқа тоифалари | | | |

3. Ҳисобот даври охирида маҳаллий давлат ҳокимияти органининг қарорига мувофиқ назарда тутилган банд қилиб қўйилган иш ўринлари сони: ___ иш ўрни

**Ташкилот раҳбари** ____________________
(имзо)

**Кадрлар бўлими (инспектори) бошлиғи** ____________________
(имзо)

**М.Ў.**

20__ йил «___» __________

*Вазирлар Маҳкамасининг*
*2008 йил 20 августдаги 186-сон қарорига*
*2-ИЛОВА*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТИНИНГ АЙРИМ ҚАРОРЛАРИГА КИРИТИЛАЁТГАН ЎЗГАРТИРИШЛАР

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ижтимоий ҳимояга муҳтож шахсларни ишга жойлаштириш учун иш жойларининг энг кам миқдорини белгилаш тартиби тўғрисидаги низомни ва Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жарима солиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 1998 йил 1 декабрдаги 504-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1998 й., 12-сон, 44-модда):

а) қарорнинг номи қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жарималар солиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»;

б) 1-банднинг иккинчи хатбоши ва қарорга 1-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида» 2001 йил 6 апрелдаги 162-сон қарорига 3-илованинг 26-бандида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2001 й., 4-сон, 21-модда):

а) биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«26. Вазирлар Маҳкамасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жарималар солиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 1998 йил 1 декабрдаги 504-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1998 й., 12-сон, 44-модда)»;

б) иккинчи — тўртинчи хатбоши чиқариб ташлансин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳоли бандлигини ошириш ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 6 апрелдаги ПҚ–616-сон қарорини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 8 майдаги 95-сон қарорига 2-илованинг 7-бандида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2007 й., 5-сон, 25-модда):

а) биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«7. Вазирлар Маҳкамасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жарималар солиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 1998 йил 1 декабрдаги 504-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1998 й., 12-сон, 44-модда)»;

б) иккинчи — ўн олтинчи хатбоши чиқариб ташлансин.

---

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ,*
*МОНОПОЛИЯДАН ЧИҚАРИШ, РАҚОБАТ ВА ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНИНГ*
*ҚАРОРИ*

# СУҒУРТА ФАОЛИЯТИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИНИ БУЗГАНЛИГИ УЧУН СУҒУРТАЛОВЧИЛАРГА ЖАРИМА САНКЦИЯЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА*

***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 15 августда 1842-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.***

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2008 йил, 34-сон, 337-модда)*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 21 майдаги ПҚ–872-сонли «Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорининг (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 20-21-сон, 172-модда) ижросини таъминлаш мақсадида **қарор қиламиз:**

1. Илова қилинаётган Суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлиги учун суғурталовчиларга жарима санкцияларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтган кундан бошлаб ўн кундан кейин кучга киради.

***Молия вазири***
***Р.АЗИМОВ.***
*77-сон*
*Тошкент ш.,*
*2008 йил 11 июль.*

***Давлат солиқ қўмитаси раиси***
***Б.ПАРПИЕВ.***
*2008-33-сон*
*Тошкент ш.,*
*2008 йил 11 июль.*

***Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси раиси в.б.***
***Б.УЛАШОВ.***
*13-сон*
*Тошкент ш.,*
*2008 йил 26 июнь,*

---

***2008 йил 25 августдан кучга киради.***

*Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг 2008 йил 11 июлдаги 77, 2008-33-сон, 2008 йил 26 июндаги 13-сон қарори билан ТАСДИҚЛАНГАН*

# СУҒУРТА ФАОЛИЯТИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИНИ БУЗГАНЛИГИ УЧУН СУҒУРТАЛОВЧИЛАРГА ЖАРИМА САНКЦИЯЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 21 майдаги ПҚ–872-сонли «Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 20-21-сон, 172-модда) мувофиқ, суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларини, ўрнатилган иқтисодий нормативларни, шу жумладан, тўлов қобилияти нормативларини бузганлиги (бундан буён матнда суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш деб юритилади) учун суғурталовчиларга жарима санкцияларини қўллаш тартибини белгилайди.

## I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Мазкур Низомга мувофиқ суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлиги учун суғурталовчиларга жарима санкцияларини қўллаш тўғрисидаги қарорлар суғурта фаолиятини тартибга солувчи ва назорат қилувчи махсус ваколатли давлат органи — Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги (бундан буён матнда Молия вазирлиги деб юритилади) томонидан қабул қилинади.

2. Суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, суғурталовчилар томонидан бузилганлиги учун уларга суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ суғурталовчи учун белгиланган устав капитали энг кам миқдорининг 0,1 фоиз миқдоригача жарима солинади.

Жарима санкцияларининг суммалари жарима санкциясини тўлаш санасидаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган курс бўйича миллий валютада тўланади ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда республика бюджетига ўтказилади.

3. Суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузганлик учун умумий йиғиндиси бўйича суғурталовчига солинадиган жарималарнинг жами суммаси суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ суғурталовчи учун белгиланган устав капитали энг кам миқдорининг 1,0 фоизидан ортиқ бўлмаслиги лозим.

4. Жарима санкциясининг суммаси тўланиши суғурталовчини суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлиги учун жавобгарликдан озод қилмайди.

## II. ТЎЛОВ ҚОБИЛИЯТИ НОРМАТИВЛАРИНИ БУЗГАНЛИГИ УЧУН СУҒУРТАЛОВЧИЛАРГА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН ЖАРИМА САНКЦИЯЛАРИ

5. Агар ҳисобот давридаги (чорак, ярим йил, 9 ой, йил) фаолият якунлари бўйича тўлов қобилияти маржасининг етарлилиги нормативи 1 дан 0,5 гача камайган тақдирда, суғурталовчи камчилик аниқланган санадан бошлаб ўн кун ичида молиявий аҳволни соғломлаштириш бўйича чора-тадбирлар мажмуасини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғурта назорати давлат инспекциясига (бундан буён матнда Давсуғуртаназорат деб юритилади) келишиш учун тақдим этмаса, суғурталовчига суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ суғурталовчи учун белгиланган устав капитали энг кам миқдорининг 0,07 фоиз миқдоридаги жарима солинади.

Мазкур банднинг биринчи хатбошисида назарда тутилган камчилик бир йил давомида такрорланган тақдирда, суғурталовчига суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ суғурталовчи учун белгиланган устав капитали энг кам миқдорининг 0,1 фоиз миқдоридаги жарима солинади.

6. Суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган суғурталовчиларнинг алоҳида таваккалчиликлар бўйича мажбуриятларининг йўл қўйиладиган энг кўп миқдори ёки мажбуриятлари жамининг йўл қўйиладиган энг кўп миқдорига оид талабларга риоя қилинмаган тақдирда, суғурталовчига суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ суғурталовчи учун белгиланган устав капитали энг кам миқдорининг 0,07 фоиз миқдоридаги жарима солинади.

Мазкур банднинг биринчи хатбошисида назарда тутилган камчилик бир йил давомида такрорланган тақдирда, суғурталовчига суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ суғурталовчи учун белгиланган устав капитали энг кам миқдорининг 0,1 фоиз миқдоридаги жарима солинади.

## III. СУҒУРТАЛОВЧИЛАР АКТИВЛАРИНИ ЖОЙЛАШТИРИШГА ОИД ТАЛАБЛАРГА РИОЯ ҚИЛИНМАГАНЛИГИ УЧУН СУҒУРТАЛОВЧИЛАРГА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН ЖАРИМА САНКЦИЯЛАРИ

7. Суғурталовчи томонидан боғлиқ шахсларга имтиёзли шартлар тақдим этилган, суғурталовчи активларини суғурталовчининг дастлабки икки йиллик фаолияти давомида боғлиқ шахсларда жойлаштирган, шунингдек суғурталовчи активларини:

интеллектуал мулкка қўйилмалар (дастурий таъминот, маълумотлар базаси, адабиёт, фирма номлари ва товар белгиларини харид қилиш бундан мустасно);

суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллардан ташқари, жисмоний ва юридик шахслар билан қарз шартномасини тузиш (молиявий ёрдам бериш), йўли билан жойлаштирган тақдирда, —

суғурталовчига ҳар бир камчилик учун суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ суғурталовчи учун белгиланган устав капитали энг кам миқдорининг 0,1 фоиз миқдоридаги жарима солинади.

8. Қуйидаги ҳолларда, агарда:

суғурталовчи томонидан берилган қарзларнинг умумий суммаси суғурталовчининг устав капиталининг 10 фоизидан ошган;

суғурталовчи ўз маблағлари манбалари суммасининг 30 фоизидан ошган ҳажмдаги қарзларни (молиявий ёрдамни) бу ҳақда Давсуғуртаназоратни хабардор этмай олган;

суғурталовчи томонидан битта боғлиқ шахсда жойлаштирилган активларнинг суммаси, суғурталовчи устав капиталининг 15 фоизидан ошган (қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно);

суғурталовчи томонидан барча боғлиқ шахсларда жойлаштирилган активларнинг умумий суммаси суғурталовчи устав капиталининг 100 фоизидан ошган (қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно);

хусусий мулк ёки унга бўлган ҳуқуқ гаровга берилганда, кафолат берилганда ёҳуд балансда акс этмаган бошқа мажбурият қабул қилинганда, суғурталовчи беш кунлик муддатда Давсуғуртаназоратни ёзма равишда хабардор қилмаган, тақдирда,—

суғурталовчига ҳар бир камчилик учун суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ суғурталовчи учун белгиланган устав капитали энг кам миқдорининг 0,07 фоиз миқдоридаги жарима солинади.

Мазкур банднинг иккинчи — олтинчи хатбошиларида

назарда тутилган камчиликлар бир йил давомида такрорланган тақдирда, суғурталовчига ҳар бир такрорий камчилик учун суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ суғурталовчи учун белгиланган устав капитали энг кам миқдорининг 0,1 фоиз миқдоридаги жарима солинади.

9. Қуйидаги ҳолларда, агарда:

суғурталовчи бошқа юридик шахсларнинг устав капиталларига жойлаштирган активларининг умумий суммаси суғурталовчи устав капиталининг 50 фоизидан ошган (қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно);

суғурталовчининг ҳар қандай битта юридик шахснинг устав капиталида иштирок этиш улуши ушбу юридик шахснинг устав капиталининг 30 фоизидан ошган (суғурта фаолияти, шунингдек суғурта фаолиятини таъминлашга йўналтирилган фаолиятни амалга оширадиган шуъба корхоналар ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно);

суғурталовчининг активлари кўчмас мулк объектларига жойлаштирилганда, суғурталовчи активларининг 50 фоизидан ортиғини битта ер участкаси ёки кўчмас мулкнинг бошқа объектига ёхуд битта объект сифатида қурилиши мумкин бўлган ер участкалари ва кўчмас мулк объектлари мажмуига жойлаштирилган;

суғурталовчининг активларини банк омонатларига (депозитларига) жойлаштиришда, битта тижорат банкига жойлаштирилган омонат суғурталовчи активларининг 40 фоизидан ошган;

суғурталовчининг активларини кредит ташкилотларида (тижорат банкларидан ташқари) омонатларга (депозитларга) жойлаштиришда, омонатларнинг (депозитларнинг) умумий суммаси суғурталовчи активларининг 10 фоизидан ошган;

суғурталовчи активларини битта юридик шахснинг устав капиталига жойлаштириш ёки битта юридик шахсда иштирок этиш бўйича бошқа ҳуқуқлари суғурталовчи активларининг 30 фоизидан ошган (қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно), тақдирда, —

суғурталовчига ҳар бир камчилик учун суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ суғурталовчи учун белгиланган устав капитали энг кам миқдорининг 0,05 фоиз миқдоридаги жарима солинади.

Мазкур банднинг иккинчи — еттинчи хатбошиларида назарда тутилган камчиликлар бир йил давомида такрорланган тақдирда, суғурталовчига ҳар бир такрорий камчилик учун суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ суғурталовчи учун белгиланган устав капитали энг кам миқдорининг 0,07 фоиз миқдоридаги жарима солинади.

## IV. ҚАЙТА СУҒУРТА ҚИЛИШ ОПЕРАЦИЯЛАРИГА ОИД ТАЛАБЛАРГА РИОЯ ҚИЛМАГАНЛИГИ УЧУН СУҒУРТАЛОВЧИЛАРГА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН ЖАРИМА САНКЦИЯЛАРИ

10. Қуйидаги ҳолларда, агарда:

суғурталовчи таваккалчиликларни тасдиқланган деб ҳисобланмайдиган қайта суғурталовчиларга қайта суғуртага берган;

мажбуриятлар чет эл суғурта ташкилотларида қайта суғурталанганда, Ўзбекистон Республикаси ташқарисига қайта суғуртага берилган мажбуриятлар ҳажми суғурталовчининг ҳар бир алоҳида суғурта (қайта суғурта қилиш) шартномаси бўйича мажбуриятлар ҳажмининг 95 фоиздан ошган;

мажбуриятлар чет эл суғурта ташкилотларида қайта суғурталанганда, ўзида қолдирилган улушнинг энг кам миқдори суғурталовчининг тўлов қобилияти маржасининг ҳақиқий миқдорининг 5 фоизидан кам бўлган (экспорт контрактларини сиёсий ва тижорат таваккалчиликларидан суғурта қилиш ва чет элга чиқувчи шахсларни суғурта қилиш шартномалари бундан мустасно), тақдирда, —

суғурталовчига ҳар бир камчилик учун суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ суғурталовчи учун белгиланган устав капитали энг кам миқдорининг 0,1 фоиз миқдоридаги жарима солинади.

## V. СУҒУРТА ЗАХИРАЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ҲАМДА ЖОЙЛАШТИРИШ ТАРТИБИ ВА ШАРТЛАРИНИ БУЗГАНЛИГИ УЧУН СУҒУРТАЛОВЧИЛАРГА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН ЖАРИМА САНКЦИЯЛАРИ

11. Суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ суғурталовчи шакллантириши шарт бўлган суғурта захиралари шакллантирилмаган ёки тўлиқ бўлмаган миқдорда шакллантирилган тақдирда, суғурталовчига суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ суғурталовчи учун белгиланган устав капитали энг кам миқдорининг 0,1 фоиз миқдоридаги жарима солинади.

12. Суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ суғурталовчи ажратиши шарт бўлган активлар суғурталовчи томонидан ажратилмаган ёки суғурта захиралари қийматидан кам бўлган миқдорда ажратилган тақдирда, суғурталовчига суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ суғурталовчи учун белгиланган устав капитали энг кам миқдорининг 0,05 фоиз миқдоридаги жарима солинади.

Мазкур банднинг биринчи хатбошисида назарда тутилган камчилик бир йил давомида такрорланган тақдирда, суғурталовчига суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ суғурталовчи учун белгиланган устав капитали энг кам миқдорининг 0,07 фоиз миқдоридаги жарима солинади.

13. Суғурталовчининг ажратилган активларининг 70 фоизидан кам миқдори Ўзбекистон Республикаси давлат қимматбаҳо қоғозларидан; банк омонатларидан (депозитларидан); банкдаги ҳисоб (валюта) счётлари ва бошқа счётлардаги ва/ёки кассадаги пул маблағлари, шунингдек, уларга тенглаштирилган маблағлардан; чет эл давлатларининг давлат қимматбаҳо қоғозларидан (Давсуғуртаназорат билан келишилган ҳолда); Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чиқариш ва айланишига Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ йўл қўйилган қимматли қоғозлар ёки тегишли ваколатли орган томонидан берилган, қимматли қоғозлар бозорида савдони ташкил қилиш бўйича фаолиятни амалга ошириш учун лицензияга (рухсатномага) эга чет эл эмитентлари томонидан чиқарилган ва қимматли қоғозлар бозорида айланишига йўл қўйилган қимматли қоғозлардан ёки уларнинг баъзиларидан ташкил топган тақдирда, суғурталовчига суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ суғурталовчи учун белгиланган устав капитали энг кам миқдорининг 0,05 фоиз миқдоридаги жарима солинади.

Мазкур банднинг биринчи хатбошисида назарда тутилган камчилик бир йил давомида такрорланган тақдирда, суғурталовчига суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ суғурталовчи учун белгиланган устав капитали энг кам миқдорининг 0,07 фоиз миқдоридаги жарима солинади.

14. Суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ суғурталовчи томонидан тақдим этиладиган суғурта захиралари тўғрисидаги ҳисоботларда кўрсатилган суғурта захиралари миқдори суғурталовчининг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи маълумотларига мос келмаган тақдирда, суғурталовчига суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ суғурталовчи учун белгиланган устав капитали энг кам миқдорининг 0,05 фоиз миқдоридаги жарима солинади.

Мазкур банднинг биринчи хатбошисида назарда тутилган камчилик бир йил давомида такрорланган тақдирда, суғурталовчига суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ суғурталовчи учун белгиланган устав капитали энг кам миқдорининг 0,07 фоиз миқдоридаги жарима солинади.

## VI. СУҒУРТА АГЕНТЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМ ТАЛАБЛАРИНИ БУЗГАНЛИГИ УЧУН СУҒУРТАЛОВЧИЛАРГА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН ЖАРИМА САНКЦИЯЛАРИ

15. Суғурталовчи томонидан суғурта агентига тўланган комиссия пулининг миқдори суғурта агенти тузган суғурта шартномалари бўйича суғурталовчининг ҳисоб рақамига тушган суғурта мукофотларининг (тўловларининг) 25 фоизидан ошган тақдирда, суғурталовчига суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ суғурталовчи учун белгиланган устав капитали энг кам миқдорининг 0,05 фоиз миқдоридаги жарима солинади.

Мазкур банднинг биринчи хатбошисида назарда тутилган камчилик бир йил давомида такрорланган тақдирда, суғурталовчига суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ суғурталовчи учун белгиланган устав капитали энг кам миқдорининг 0,07 фоиз миқдоридаги жарима солинади.

## VII. ҲИСОБОТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ ШАКЛИ, ТАРТИБИ ВА МУДДАТЛАРИГА РИОЯ ҚИЛМАГАНЛИГИ УЧУН СУҒУРТАЛОВЧИЛАРГА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН ЖАРИМА САНКЦИЯЛАРИ

16. Суғурталовчи томонидан суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган:

тўлов қобилияти нормативлари ҳисоб-китобларини;

суғурталовчиларнинг активларини жойлаштиришга оид талабларга риоя қилинганлиги тўғрисидаги маълумотларни;

қайта суғурта қилиш операцияларига оид талабларга риоя қилинганлиги тўғрисидаги маълумотларни;

суғурта захиралари тўғрисидаги ҳисоботларни, тақдим этиш шакли, тартиби ва муддатларига риоя қилинмаган тақдирда, —

суғурталовчига ҳар бир камчилик учун суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ суғурталовчи учун белгиланган устав капитали энг кам миқдорининг 0,03 фоиз миқдоридаги жарима солинади.

Мазкур банднинг иккинчи — бешинчи хатбошиларида назарда тутилган камчиликлар бир йил давомида такрорланган тақдирда, суғурталовчига ҳар бир такрорий камчилик учун суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ суғурталовчи учун белгиланган устав капитали энг кам миқдорининг 0,05 фоиз миқдоридаги жарима солинади.

17. Ҳисобот маълумотлари бузиб кўрсатилган (била туриб ёлғон ва нотўғри маълумотларни тақдим этилган) тақдирда, суғурталовчига суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ суғурталовчи учун белгиланган устав капитали энг кам миқдорининг 0,07 фоиз миқдоридаги жарима солинади.

Мазкур банднинг биринчи хатбошисида назарда тутилган камчилик бир йил давомида такрорланган тақдирда, суғурталовчига суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ суғурталовчи учун белгиланган устав капитали энг кам миқдорининг 0,1 фоиз миқдоридаги жарима солинади.

## VIII. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

18. Мазкур Низомда кўрсатиб ўтилган жарима санкцияларини қўллаш тўғрисидаги қарорлар ҳисоботларни ўрганиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш давомида, шунингдек суғурталовчиларнинг фаолиятини текшириш натижалари бўйича аниқланган камчиликлар мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжатлар асосида қабул қилинади.

Давсуғуртаназорат камчиликлар мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжатлар асосида камчиликлар тавсифи ва жарима санкциялари миқдорини кўрсатган ҳолда тегишли хулоса тайёрлайди ва мазкур Низомда кўрсатиб ўтилган жарима санкцияларини қўллаш тўғрисида қарор қабул қилиш учун Молия вазирлиги раҳбариятига киритади.

Мазкур Низомда кўрсатиб ўтилган жарима санкцияларини қўллаш тўғрисида қарорлар камчиликлар аниқланган кундан бошлаб ўттиз кун ичида қабул қилинади ва Молия вазирлигининг буйруғи билан расмийлаштирилади.

19. Суғурталовчига жарима санкциясини қўллаш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан бошлаб уч кун ичида Молия вазирлиги жарима санкциясининг қўлланишига олиб келган йўл қўйилган камчиликни кўрсатган ҳолда суғурталовчига ёзма равишда хабар беради.

20. Суғурталовчи жарима суммасини ёзма равишда берилган хабар олинган кундан бошлаб ўн кун ичида тўлаши ва жарима суммаси тўланган кундан бошлаб уч кун ичида Молия вазирлигига тўлов амалга оширилганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этиши шарт.

21. Жарима санкцияларини қўллаш тўғрисидаги қарорлари устидан суғурталовчилар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилишлари мумкин.

---

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕҲНАТ ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРЛИГИ, МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҚАРОРИ*

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 2008 ЙИЛ 21 ИЮЛДАГИ ПФ–4014-СОНЛИ «ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР, СТИПЕНДИЯЛАР ВА ИЖТИМОИЙ НАФАҚАЛАР МИҚДОРИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ФАРМОНИ БЎЙИЧА ПЕНСИЯЛАРНИ ҚАЙТА ҲИСОБЛАШ ТАРТИБИ ҲАҚИДАГИ ЙЎРИҚНОМАНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА*

***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 16 августда 1843-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.***

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2008 йил, 34-сон, 338-модда)*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 21 июлдаги ПФ–4014-сонли «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида **қарор қиламиз:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 21 июлдаги ПФ–4014-сонли «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармони бўйича пенсияларни қайта ҳисоблаш тартиби ҳақидаги йўриқнома иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Молия вазирлигининг 2008 йил 20 мартдаги 7 ва 27-сонли «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 5 мартдаги ПФ–3972-сонли «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармони бўйича пенсияларни қайта ҳисоблаш тартиби

***2008 йил 26 августдан кучга киради.**

ҳақидаги йўриқнома»ни тасдиқлаш тўғрисидаги (2008 йил 26 март, рўйхат рақами 1780 — Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 12-13-сон, 80-модда) қарори 2008 йил 1 сентябрдан ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган санадан бошлаб ўн кундан кейин кучга киритилсин.

*Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири в.б.*
***А.ҲАИТОВ.***
*29-сон*

*Молия вазири*
***Р.АЗИМОВ.***
*85-сон*

*Тошкент ш., 2008 йил 7 август.*

*Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Молия вазирлигининг 2008 йил 7 августдаги 29, 85-сонли қарори билан*
ТАСДИҚЛАНГАН

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 2008 ЙИЛ 21 ИЮЛДАГИ ПФ–4014-СОНЛИ «ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР, СТИПЕНДИЯЛАР ВА ИЖТИМОИЙ НАФАҚАЛАР МИҚДОРИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ФАРМОНИ БЎЙИЧА ПЕНСИЯЛАРНИ ҚАЙТА ҲИСОБЛАШ ТАРТИБИ ҲАҚИДА ЙЎРИҚНОМА

Ушбу Йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 21 июлдаги ПФ–4014-сонли «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармонининг 4-бандига мувофиқ пенсия ва ижтимоий нафақаларни қайта ҳисоблаш тартибини белгилайди.

1. Юқорида кўрсатиб ўтилган Фармонга мувофиқ 2008 йилнинг 1 сентябридан қуйидагиларнинг энг кам миқдорлари белгиланади:

а) энг кам иш ҳақи ойига 25 040 сўм;

б) ёшга доир пенсиялар ойига 49 600 сўм;

в) болаликдан ногиронларга бериладиган нафақа ойига 49 600 сўм;

г) зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа — ойига 30 040 сўм.

2. Пенсияни ҳисоб-китоб қилиш учун энг кам иш ҳақининг саккиз бараваридан ортиқ бўлмаган ўртача ойлик иш ҳақи инобатга олинади (25 040 сўм х 8 = 200 320 сўм).

3. Пенсия қайта ҳисобланадиган ўртача ойлик иш ҳақини тенглаштириш учун, мазкур Йўриқноманинг иловасига мувофиқ йиллар бўйича дифференциялланган янги тузатувчи коэффициентлар ўрнатилади.

4. Пенсионернинг иш ҳақлари тўғрисида маълумотлар бўлмаган ёки ўртача бир ойлик иш ҳақининг тузатувчи коэффициент қўлланилгандан кейинги янги миқдори белгиланган энг кам иш ҳақи миқдори (25 040 сўм)га етмаса, пенсияни қайта ҳисоблаш қуйидагича амалга оширилади:

ёшга доир пенсиялар, I ва II-гуруҳ ногиронлик пенсиялари, шунингдек, чин етимларга боқувчисини йўқотганлик пенсиялари учун таянч миқдорлар ойига 49 600 сўм, III-гуруҳ ногиронлик ва боқувчиларидан бирини йўқотган оилаларга боқувчисини йўқотганлик пенсиялари учун оиланинг меҳнатга лаёқатсиз ҳар бир аъзоси учун 24 800 сўм миқдорида белгиланади;

талаб этиладиганидан ортиқча иш стажи учун пенсиялар миқдорини ошириш янги энг кам иш ҳақидан келиб чиқиб белгиланади (тўлиқ пенсия тайинлашда талаб этиладиганидан ортиқча иш стажининг ҳар бир тўлиқ йили учун ёшга доир ҳамда I ва II-гуруҳ ногиронлик пенсиялари учун 1 фоиз, III-гуруҳ ногиронлик ва боқувчисини йўқотганлик пенсиялари учун 0,5 фоиз).

5. Янги ўртача ойлик иш ҳақининг миқдори 25 040 сўмдан 90 181 сўм 82 тийингача (III-гуруҳ ногиронлик пенсияси ва боқувчисини йўқотганлик пенсияси учун 82 666 сўм 67 тийингача) бўлган миқдорни ташкил этган ҳолларда пенсияларни қайта ҳисоблаш қуйидагича амалга оширилади:

ёшга доир пенсиялари, I ва II-гуруҳ ногиронлик пенсиялари, шунингдек, чин етимларга боқувчисини йўқотганлик пенсиялари учун пенсиянинг таянч миқдори ойига 46 900 сўм миқдорда, III-гуруҳ ногиронлик пенсиялари ва боқувчиларидан бирини йўқотган оилаларга боқувчисини йўқотганлик пенсиялари учун оиланинг меҳнатга лаёқатсиз ҳар бир аъзоси учун 24 800 сўм миқдорида белгиланади;

талаб этиладиганидан ортиқча иш стажи учун пенсиялар миқдорини ошириш янги ўртача ойлик иш ҳақидан келиб чиқиб белгиланади (тўлиқ пенсия тайинлашда талаб этиладиганидан ортиқча иш стажининг ҳар бир тўлиқ йили учун ёшга доир пенсиялар ҳамда I ва II-гуруҳ ногиронлик пенсиялари учун 1 фоиз, III-гуруҳ ногиронлик ва боқувчисини йўқотганлик пенсиялари учун 0,5 фоиз).

6. Пенсионерлар бошқа тоифаларининг пенсияларини қайта ҳисоблаш қуйидагича амалга оширилади:

янги ўртача ойлик иш ҳақи миқдори энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг саккиз ҳиссаси билан чегараланади (200 320 сўм);

олинган ўртача ойлик иш ҳақи, иш стажига боғлиқ равишда пенсияларни ҳисоблаш учун қабул қилинган фоизларга кўпайтирилади.

7. Барча ҳолларда пенсияларга устама энг кам ойлик иш ҳақидан (25 040 сўм) келиб чиқиб аниқланади.

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 21 июлдаги ПФ–4014-сонли «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармони бўйича пенсияларни қайта ҳисоблаш тартиби ҳақида йўриқномага*
ИЛОВА

### Пенсияларни қайта ҳисоблашда ўртача ойлик иш ҳақини тенглаштириш учун қўлланиладиган тузатувчи коэффициентлар

| Даврлар | Коэфф. | Даврлар | Коэфф. |
|---|---|---|---|
| 1971 йилга қадар | **1043,9717** | 1994 йил 1 июндан | **0,5183** |
| 1971 йил | **1017,4097** | 1994 йил 1 июлдан | **512,9747** |

| Даврлар | Коэфф. | Даврлар | Коэфф. |
|---|---|---|---|
| 1972 йил | **992,1378** | 1994 йил 1 августдан | **420,5215** |
| 1973 йил | **960,4028** | 1994 йил 1сентябрдан | **365,5830** |
| 1974 йил | **895,9774** | 1994 йил 1 ноябрдан | **283,6552** |
| 1975 йил | **876,3161** | 1995 йил 1 январдан | **283,6552** |
| 1976 йил | **857,5132** | 1995 йил 1 мартдан | **143,5937** |
| 1977 йил | **833,7130** | 1995 йил 1 сентябрдан | **110,5645** |
| 1978 йил | **805,6814** | 1996 йил 1 январдан | **110,5645** |
| 1979 йил | **789,8138** | 1996 йил 1 апрелдан | **82,1899** |
| 1980 йил | **769,5478** | 1996 йил 1 сентябрдан | **57,3535** |
| 1981 йил | **755,0590** | 1997 йил 1 январдан | **57,3535** |
| 1982 йил | **754,9724** | 1997 йил 1 июлдан | **39,9318** |
| 1983 йил | **741,0866** | 1998 йил 1 январдан | **39,9318** |
| 1984 йил | **741,0019** | 1998 йил 1 июлдан | **29,0658** |
| 1985 йил | **732,0310** | 1999йил 1 январдан | **23,8043** |
| 1986 йил | **723,2353** | 1999 йил 1 августдан | **18,5426** |
| 1987 йил | **706,1584** | 2000 йил 1 августдан | **12,0755** |
| 1988 йил | **659,6726** | 2001 йил 1 августдан | **8,6263** |
| 1989 йил | **618,7934** | 2002 йил 1 апрелдан | **7,5014** |
| 1990 йил | **558,4240** | 2002 йил 1 августдан | **6,5218** |
| 1991 йил | **385,3333** | 2003 йил 1 майдан | **5,4349** |
| 1992 йил 1 январдан | **113,9290** | 2004 йил 1 августдан | **4,1810** |
| 1992 йил 1 июлдан | **53,2975** | 2005 йил 1 майдан | **3,4836** |
| 1992 йил 1 октябрдан | **25,6168** | 2005 йил 1 октябрдан | **2,9029** |
| 1993 йил 1 январдан | **18,8893** | 2006 йил 1 июлдан | **2,4191** |
| 1993 йил 1 апрелдан | **13,5431** | 2006 йил 1 ноябрдан | **2,0160** |
| 1993 йил 1 июндан | **5,7798** | 2007 йил 1 августдан | **1,6128** |
| 1993 йил 1 июлдан | **3,7115** | 2007 йил 1 ноябрдан | **1,4662** |
| 1993 йил 1 сентябрдан | **2,8465** | 2007 йил 1 декабрдан | **1,3439** |
| 1993 йил 1 ноябрдан | **1,7278** | 2008 йил 1 апрелдан | **1,2000** |
| 1994 йил 1 январдан | **1,2942** | 2008 йил 1 сентябрдан | **1,0000** |
| 1994 йил 1 мартдан | **0,7763** | | |

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СТАТИСТИКА ҚЎМИТАСИНИНГ ҚАРОРИ*

# 2008 ЙИЛ УЧУН ДАВЛАТ СТАТИСТИКА ҲИСОБОТИ ШАКЛЛАРИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДАГИ ҚАРОРГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА*

***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 16 августда 1748-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.***

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2008 йил, 34-сон, 339-модда)*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 30 июндаги 145-сонли «Ёшларни умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ва олий таълим тизими билан қамраб олинишини, шунингдек кейинчалик уларнинг ишга жойлашишини ҳисобга олиш ва ҳисоботини юритишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2007 йил 9 ноябрдаги 18-сонли «2008 йил учун давлат статистика ҳисоботи шаклларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига (2007 йил 15 декабрь, рўйхат рақами 1748 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 50-51-сон, 529-модда) иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кундан кейин кучга киради.

***Давлат статистика қўмитаси раиси Ғ.ҚУДРАТОВ.***

*Тошкент ш.,*
*2008 йил 21 июль*
*3-сон.*

***2008 йил 26 августдан кучга киради.**

*Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2008 йил 21 июлдаги 3-сон қарорига ИЛОВА*

## «2008 ЙИЛ УЧУН ДАВЛАТ СТАТИСТИКА ҲИСОБОТИ ШАКЛЛАРИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРГА КИРИТИЛАЁТГАН ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР

1. 147, 148, 150-сон иловалар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

2. Мазкур ўзгартириш ва қўшимчаларнинг 1-5-сон иловаларига мувофиқ 196, 197, 197/1, 198 ва 198/1-сон иловалар билан тўлдирилсин.

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР, ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА САВДО ВАЗИРЛИГИ, МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ, ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНИНГ ҚАРОРИ*

# ЭКСПОРТ-ИМПОРТ ЮКЛАРИНИ РАСМИЙЛАШТИРИШДА БОЖХОНА ОРГАНЛАРИГА ТАҚДИМ ЭТИЛАДИГАН ҲУЖЖАТЛАР РЎЙХАТИГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА*

***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 13 августда 428-4-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.***

*(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2008 йил, 33-сон, 321-модда)*

Ўзбекистон Республикаси Божхона кодекси, «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6 ва 7-моддалари, «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 26 сентябрдаги ПФ–3321-сонли «Ўзбекистон Республикасида ташқи савдо фаолиятини янада эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2005 йил 21 июлдаги ПФ–3631-сонли «Ташқи иқтисодий ва савдо алоқалари, хорижий инвестицияларни жалб этиш соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 8 июндаги 269-сонли «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат дон инспекцияси фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Молия вазирлиги ва Давлат божхона қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги томонидан 1998 йил 1 апрелда, Молия вазирлиги томонидан 1998 йил 2 апрелда 20-сон билан ва Давлат божхона қўмитаси томонидан 1998 йил 3 апрелда 02/19-2-сон билан тасдиқланган Экспорт-импорт юкларини расмийлаштиришда божхона органларига тақдим этиладиган ҳужжатлар рўйхатига (1998 йил 8 апрель, рўйхат рақами 428 — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 1998 йил 4-сон) иловага** мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киради.

***2008 йил 23 августдан кучга киради.***
***** Илова рус тилидаги матнда берилган.***

| | | |
|---|---|---|
| ***Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазири*** | ***Молия вазири*** | ***Давлат божхона қўмитаси раиси*** |
| ***Э.ҒАНИЕВ.*** | ***Р.АЗИМОВ.*** | ***С.НОСИРОВ.*** |
| *ЭГ-01/10-3897-сон* | *71-сон* | *01-02/8-44-сон* |

*Тошкент ш., 2008 йил 4 июль.*

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ:

## ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАРИНИНГ УМУМИЙ МАЖБУРИЙ ТУСДАГИ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРИНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2008 ЙИЛ 12 ИЮЛДАН 8 АВГУСТГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

### I. ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИЛДИ:

1. «Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига чегарадош давлатлар ҳудудидан шахсий фойдаланиш учун божсиз олиб кириладиган истеъмол товарларининг чекланган миқдорий нормаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига ўзгартиришлар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Давлат божхона қўмитасининг 2008 йил 11 июлдаги 74, ЭГ-01/19-4543, 01-02/20-48-сонли қарори.*

***2008 йил 11 июлда 1196-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 21 июлдан кучга киради).***

2. «Аҳолининг кенг қатлами, шу жумладан, ёш оилалар учун қурилган ёки реконструкция қилинган уй-жойларни харид қилиш учун ипотека кредитлари бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2008 йил 13 июндаги 14/5-сонли қарори.*

***2008 йил 12 июлда 1835-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 22 июлдан кучга киради).***

3. «Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларини аттестациядан ўтказиш мезонлари ва технологиялари бўйича йўриқномани тасдиқлаш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлигининг 2008 йил 12 июндаги 01-193, 173, 25-сонли қарори.*

***2008 йил 14 июлда 1836-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 24 июлдан кучга киради).***

4. «Чекланган тарифлар бўйича шаҳарда мунтазам йўловчи ташишларни бажариш билан банд бўлган ташувчиларни молиялаш тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2008 йил 3 июлдаги 70-сонли буйруғи.*

***2008 йил 16 июлда 963-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 26 июлдан кучга киради).***

5. «Биржа савдоларида полиэтилен сотиш тартиби ҳақидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлигининг 2008 йил 30 июндаги 55, 68-сонли қарори.*

***2008 йил 16 июлда 1837-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 26 июлдан кучга киради).***

6. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 21 майдаги «Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–872-сон қарори билан берилган солиқ имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2008 йил 30 июндаги 69, 2008-30-сонли қарори.*

***2008 йил 17 июлда 1838-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 27 июлдан кучга киради).***

7. «Ўзбекистон Республикасида транспорт воситалари ва бошқа ўзиюрар машина ҳамда механизмлар эгалари фуқаролик жавобгарлигининг давлат мажбурий суғуртасини амалга ошириш тўғрисидаги йўриқномани ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси

*молия вазирининг 2008 йил 11 июлдаги 76-сонли буйруғи.*

***2008 йил 17 июлда 122-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2009 йил 27 июлдан кучга киради).***

8. «Ўзбекистон Республикасининг «Хавфли юкларни ҳаво транспортида ташиш қоидалари» (ЎзР АҚ-198)ни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруққа ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг 2008 йил 18 июндаги 118-сонли буйруғи.*

***2008 йил 21 июлда 1721-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 31 июлдан кучга киради).***

9. «Ўзбекистон Республикаси банклари томонидан валютавий своп операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2008 йил 28 июндаги 15/1-сонли қарори.*

***2008 йил 24 июлда 1839-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 3 августдан кучга киради).***

10. «Баҳоловчи малака сертификатини бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитасининг 2008 йил 16 июлдаги 01/19-18/09-сонли қарори.*

***2008 йил 4 августда 1840-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 14 августдан кучга киради).***

11. «Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг айрим буйруқларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2008 йил 22 июлдаги 79-сонли буйруғи.*

***2008 йил 5 августда 1841-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 15 августдан кучга киради).***

12. «Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари томонидан тўланадиган ягона ер солиғи суммасидан қишлоқ хўжалигини техника билан таъминлашни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармасига ўтказиладиган қатъий белгиланган ажратмалар тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақидаги қарорни ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банк Бошқаруви, Давлат солиқ қўмитасининг 2008 йил 28 июлдаги 81, 16/3, 2008-36-сонли қарори.*

***2008 йил 5 августда 1105-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2008 йил 15 августдан кучга киради).***

## II. ДАВЛАТ РЕЕСТРИДАН ЧИҚАРИЛДИ:

1. Ўзбекистон Республикасида транспорт воситалари ва бошқа ўзи юрар машиналар ва механизмлар эгаларининг жавобгарлигини давлат мажбурий суғуртаси тўғрисида йўриқнома. *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Давлат суғурта бош бошқармаси томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 122, 1995 йил 1 февраль).*

***Адлия вазирининг 2008 йил 17 июлдаги 164-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.***

2. Баҳоловчи ихтисослигини олишлари учун жисмоний шахсларни аттестациядан (қайта аттестациядан) ўтказиш тўғрисида низом. *Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси (рўйхат рақами 1244, 2003 йил 26 май).*

***Адлия вазирининг 2008 йил 4 августдаги 167-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.***

3. Профессионал баҳоловчига қўйиладиган малака талаблари тўғрисидаги низом. *Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитаси томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 1660, 2007 йил 2 март).*

***Адлия вазирининг 2008 йил 4 августдаги 167-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.***

4. Самарқанд вилояти ва Тошкент шаҳрида ғазначилик ижросида бухгалтерия ҳисоби ҳақида Вақтинчалик қоидалари, 1-сонли ўзгартириш ва қўшимчалар. *Ўзбекистон Республикаси молия вазири томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 1601, 2006 йил 24 июль), (рўйхат рақами 1601-1, 2006 йил 11 ноябрь).*

***Адлия вазирининг 2008 йил 5 августдаги 168-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.***

5. Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари томонидан тўланадиган ягона ер солиғи суммасидан қишлоқ хўжалигини техника билан таъминлашни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармасига ўтказиладиган қатъий белгиланган ажратмалар тартиби тўғрисидаги низом. *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банк Бошқаруви, Давлат солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами .1105, 2002 йил 6 март).*

***Адлия вазирининг 2008 йил 5 августдаги 169-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.***

**Мазкур ҳужжатлар амалдаги қонунчиликка ўзгартиришлар киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**

## III. АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ТОМОНИДАН ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШНИНГ БЕЛГИЛАНГАН ТАРТИБИГА ЗИД РАВИШДА АМАЛ ҚИЛАЁТГАН НОРМАТИВ ҲУЖЖАТ АНИҚЛАНДИ:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2007 йил 19 июлдаги СБ/04-01-32-14/559 ва 16-1-7395-сонли хати.

Давлат рўйхатидан ўтказилмаган меъёрий ҳужжатлар кучга кирмаган ҳужжат сифатида ҳуқуқий оқибатларга олиб келмайди ҳамда тегишли ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш, ундаги кўрсатмалар бажарилмаганлиги учун фуқаролар, мансабдор шахслар, корхона ва ташкилотларга бирор-бир жазо қўллаш учун асос бўлиб хизмат қилмайди. Юқорида кўрсатилган ҳужжат бўйича Адлия вазирлиги томонидан тегишли идораларга ушбу ҳужжатни бекор қилиш ва ижродан чақириб олиш тўғрисида тақдимнома киритилди.

***Маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Идоравий-меъёрий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси томонидан тайёрланди.***

***Саволлар ва таклифлар учун телефонлар: 233-38-67, 232-00-28.***

Бизнес Панорама
РЕКЛАМА & АХБОРОТ
«Норма маслаҳатчи» 37 (166)-сон 2008 йил 12 сентябрь

SANAY Co.Ltd

"SANAY" ҚК Хитой ва Италияда ишлаб чиқарилган юқори сифатли

# КАФЕЛЬ

сотади, ўлчами 60х60, 45х45, 40х40

Буюртма бўйича Хитойдан ҳар қандай ускунани етказиб берамиз

Товар сертификатланган
Хизматлар лицензияланган

Тошкентдаги омбордан сотилади

Тўлов – исталган шаклда



Тошкент ш., Ҳамза тумани, Султонали Машҳадий кўч., 210 (мўлжал – шампан винолари заводи).
Тел. 269-44-66, факс 269-44-33,
Уяли +99893 375-56-58.
E-mail: sanay_uz@yahoo.com

pr_8-01-01

# СОВУТИШ ВА САВДО УСКУНАЛАРИ

СОВУТУВЧИ КАМЕРАЛАР УЧУН АГРЕГАТЛАР

AZN TECHNO

"Technoblock" (Италия)да ишлаб чиқарилган

Тошкентдаги омбордан

ИСТАЛГАН САВДО МАЙДОНЛАРИНИ ЖИҲОЗЛАШ



СОВУТУВЧИ
витриналар
горкалар
жавонлар
стеллажлар
пештахталар
касса кабиналари

Совутувчи омборлар

СОВУТИШ САНОАТИ
СОВУТУВЧИ КАМЕРАЛАР
СОВУТУВЧИ АГРЕГАТЛАР
СУТ СОВУТКИЧЛАР

Офис: (998 71) 234-12-69
234-34-75
e-mail: azn@azn.uz
www.azn.uz

Товар сертификатланган

1-салон:
тел.: (998 71)
217-09-57, 216-09-00
2-салон:
тел. (998 71) 269-27-91

UzMed EXPO

# 7-9 ОКТЯБРЯ ВЫСТАВКА

Гостиница «Интерконтиненталь»



## МЕЖДУНАРОДНАЯ СПЕЦИАЛИЗИРОВАННАЯ ВЫСТАВКА "УЗМЕДЭКСПО - 2008"

Официальная поддержка:
- Министерство Здравоохранения Республики Узбекистан;
- Ассоциация Представительств иностранных Фармацевтических компаний в Республике Узбекистан.

Основные разделы выставки:
- медицинская техника и инструменты;
- медицинское оборудование;
- стоматологическое оборудование и материалы;
- лекарственные средства и их производство;
- очковая оптика;
- лечебная косметика;
- медицинская мебель, оборудование для аптек, упаковка;
- расходные и перевязочные материалы.

Организатор: IEG UZBEKISTAN
Контактная информация:
Тел.: +(998 71) 238-59-87 | E-mail: coordinator@iegexpo.com
Сот.: +(998 97) 381-07-84 | Менеджер проекта: Гальперина Ольга

IEG UZBEKISTAN

www.pc.uz - Ўзбекистон компьютер бозоридаги талаб ва таклиф

Товар сертификатланган

Тошкентдаги омбордан

# ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ

"ТЙКМ" МЧЖ улгуржи савдоси

**Цемент** (Оҳангарон) ва **Алебастр** (Бухоро) - қопларда.
**Шлакоблоклар. Қуруқ қурилиш аралашмалари.**
**Ёритгичлар** – ЛПО 2х40, 1х40. **Шар** – 300 ва б.
**Лампалар** – ЛД-40. **Автоматлар** 1 фазали ва 3 фазали
**Гидравлик насослар. Гидроцилиндрлар.**
**Ишчи халат ва костюмлар, қўлқоплар.**

pr_8-27-01

Манзил: Олтин водий кўч., 29 (Венгерская). Мўлжал: аэропорт, Полевая кўч.,
Тел.: 250-83-86, 131-25-01, 441-79-73

Alterna GROUP

Товар сертификатланган

Хитойдаги етказиб берувчидан

# ЮҚОРИ СИФАТЛИ ЮМШОҚ МЕБЕЛЬ

сотилади



# УЙ ВА ОФИС УЧУН

ЧАРМДАН ВА ГАЗЛАМАЛИ!

ОФИС МЕБЕЛИ
БУЮРТМАГА



РАҲБАРЛАР КАБИНЕТЛАРИ
КОНФЕРЕНЦ-СТОЛЛАР
ХОДИМЛАР УЧУН МЕБЕЛЬ
СТУЛЛАР
КРЕСЛОЛАР

ЕТКАЗИБ БЕРИШ – БЕПУЛ!

МЕБЕЛЬ САЛОНЛАРИ, АРХИТЕКТОРЛАР, ДИЗАЙНЕРЛАРНИ ҲАМКОРЛИК ҚИЛИШГА ЧАҚИРАМИЗ

ТЕЛ.: 330-36-76, 333-95-59

Rutrans & Partners

Голландиянинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси

DICKIES компаниясининг Ўзбекистондаги расмий вакили

Ишчи ва махсус кийим
Ишчи ва махсус пойабзал
Ёнғинга қарши ускуналар
Махсус кийим аксессуарлари
Шланглар ва бутловчи қисмлар



Товар сертификатланган

Манзил: Тошкент ш., Юнусобод тумани, Ниёзбек йўли кўч., 1, 4-кават, 11-хона.
www.rutransenpartners.com
e-mail: by.rutransenpartners@rambler.ru
Тел.: (+99890) 325-6043 (99871) 234-1843

